БУ ПУЛ ҚАЕРГА КЕТАДИ?

Мен ўқишни битириб, ишга кирганимга бир йилдан ошди. Ойлик маошимдаги ҳисоб варақчасини қарасам, солиқдан ташқари, ижтимоий суғурта тўловлари ҳам бор экан. Бу пул фақат пенсияга чиққанида бериладими?

5 бет

СЕРИАЛСЕВАР ЎҒРИЛАР

Атрофи девор билан ўралмаган бир уй олдида ола сигир каттагина бузоғи билан турарди. Ўғрилар дарҳол арқонни пичоқ билан кесиб, молларни етаклаб кетишди. Сигирни «Дамас»га ортолмагач, уни қолдириб, бузоғини олиб кетишди.

8 бет

Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 4-oktabr, №40 (821)

Бош прокуратурада

Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 28 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
Унда Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар иштирок этдилар.

С.НИШОНОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Ҳайъат мажлисида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг тизимларида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун ва меҳнат қонунчилиги ижроси, шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилашга оид қонун ҳужжатлари ижроси ва бу борадаги прокурор назорати аҳволи, бундан ташқари, Тошкент вилоят прокуратурасининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш якунлари муҳокама қилинди.

Меҳнат ва бандлик тўғрисидаги қонунчилик ижросини муҳокама қилишда 2011 йилда 970 926 та, жорий йилнинг 6 ойида 510 543 та янги иш ўринлари яратилиб, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган Дастур ижроси 101,5 ва 105,5 фоизга бажарилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда иш ўринлари яратиш, иш сўраб мурожаат қилганларни, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, касаначилик асосида иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш, ишсизлик нафақасининг тайинланиши борасида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, мажлисда 2011 йил ва жорий йилнинг 1-ярмида васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан 11 142 нафар ота-она қарамоғисиз қолган вояга етмаганлар аниқланиб, ҳисобга олинганлиги, улардан 299 нафари гўдаклар уйига, 845 нафари меҳрибонлик уйларига, 400 нафари мактаб-интернатига, 204 нафари коллеж ва бошқа ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилганлиги, 2 907 нафари васийликка, 1 807 нафари ҳомийликка, 159 нафари оилага тарбияга, 4 500 нафари фарзандликка берилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Юқорида қайд этилган қонунлар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бирга, фаолиятда бу борада жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кескин танқид қилиниб, прокурор назоратини таъминлашда хатога йўл қўйган вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг тушунтириш ва изоҳлари эшитилди.

Бундан ташқари, мажлисда Тошкент вилоят прокуратурасида Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифалар ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишларни ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилган муайян ишлар билан бир қаторда, айрим соҳаларда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

Жараён

Маълумки, иқтисодий инқироз кўплаб давлатларга салбий таъсир ўтказаётган бир пайтда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Ўзбекистоннинг бундай юксак натижага эришаётгани 2011 йилда дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири — Халқаро валюта жамғармаси томонидан ҳам эътироф этилди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилаётгани натижасидир.

Жамият равнақининг муҳим таянчи

Дарҳақиқат, мамлакатимиз равнақи, янги иш ўринлари яратиш, бандлик масаласини ҳал этиб, аҳолининг турмуш даражасини оширишда тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳамда хизматлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг эришаётган ютуқлари эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини намоён этишда асосий далил бўлмоқда. Шунингдек, ўтган йиллар давомида Юртбошимизнинг фуқаролар даромадини кўпайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, мақсадли Давлат дастурлари ҳаётга татбиқ қилинди.

1998 йилнинг "Оила йили", 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши эса, юртимизда жамиятнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш ва шакллантиришга қаратилган, деб айтсак муболаға бўлмайди.

Оилада соғлом муҳитни яратиш, оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор ҳам бундай хайрли ишларнинг узвий бир бўлаги ҳисобланади. Шунингдек, шу йил 27 февралда Президентимизнинг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори эълон қилиниб, келгусида амалга ошириладиган энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилди.

/Давоми 3-бетда/

«Бунёдкор» стадионида ўзбек футболининг 100 йиллиги нишонланди

Жорий йилнинг 28 сентябрь куни Тошкентдаги янги "Бунёдкор" стадионининг очилишига ҳамда ўзбек футболининг 100 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз йиғилганларни қутлар экан, шундай деди: "Бугун биз мамлакатимиз тарихида чуқур из қолдирадиган тарихий воқеа — ажойиб, бетакрор "Бунёдкор" спорт мажмуасининг очилиш маросимида қатнашяпмиз. Ушбу воқеанинг аҳамияти ва маъноси яна шундаки, ўзбек футболи ўзининг 100 йиллигини нишонламоқда".

Йиғилишда ҳар қандай даражадаги мусобақани қабул қилишга қодир ушбу улуғвор иншоот биринчи навбатда, ёшларимизни жисмоний ва руҳий баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.



Стадиондаги дастлабки учрашув мамлакатнинг етакчи футбол клублари "Бунёдкор" ва "Пахтакор" баҳси билан бошланди. Байрамни нишонлаш учун йиғилганлар қизиқарли ўртоқлик ўйинини томоша қилишди. Тадбир байрам концерти билан якунланди.

Обуна — 2013

2013 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.



НАШР ИНДЕКСИ – 231

Ташқи иқтисодий фаолият

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунлар, Президентимизнинг "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида режали иш олиб борилмоқда.

Фарҳоджон НАЗАРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Таҳлилларда аниқланишича, вилоятимизда хорижий инвестициялар иштирокида тузилган 105 та корхонанинг 93 таси фаолият юритяпти, 12 таси эса фаолиятини тўхтатган. Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида хорижий инвестиция иштирокида 5 та янги корхона ташкил этилиб, рўйхатга олинган.

Вилоятда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи 166 та саноат корхоналари бўйича ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Комплекс чора-тадбирлар доирасига киритилмаган 2500 та ҳудудий саноат корхоналарининг 926 таси саноат характерига эга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. 187 та корхона ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бизнес-режасини тузишга киришган. Ускуналарни харид қилиш жараёни давом этмоқда. 245 та корхона нон, крупа, ун маҳсулотлари тайёрлаш билан машғул. 430 та корхоналарда ички эҳтиёжлар учун девор блоклари, темир-бетон маҳсулотлари, ёғочлар, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимизнинг экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш борасидаги қарорининг ижроси ўрганилганда, вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу йўналишда муайян ишлар қилинаётгани кўзга ташланди. Маҳсулотларини экспортга чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилияпти.

Вилоят ҳокимлигида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ўрганувчи ишчи гуруҳи тузилган. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улардан келиб тушган мурожаатлар ваколатга эга идоралар томонидан қонуний ҳал этилмоқда. Чунончи, вилоят адлия бошқармасига муддати ўтган дебитор қарздорликни ундириб бериш, муайян мажбуриятни юклаш, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, бой берилган фойда, моддий ва маънавий зарарларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатиш, божхона ва солиқ имтиёзларининг қўлланишига доир маслаҳатлар бериш мазмунида келиб тушган 21 та мурожаат кўриб чиқилган. Бошқарма томонидан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг манфаатларини кўзлаб, 10 та тақдимнома, вилоят хўжалик судига 2,4 млрд. сўмни ундириш бўйича 47 та даъво аризаси киритилган.

Шу билан бирга, таҳлилларда бир қатор камчиликлар аниқланди. Чунончи, 2003 йилда рўйхатга олинган "Скорпион" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси айланма маблағлари етишмагани, хомашё билан таъминланмагани натижасида узоқ муддат фаолият кўрсата олмаган. Худди шунингдек, "Деймос-Леда" Ўзбекистон-Россия, "Ўз-полтекс" Ўзбекистон-Польша қўшма корхоналари фаолияти тўхтаб қолган. Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондларининг шакллантирилишига оид таҳлиллар ўтказилмаган. Жумладан, 2010 йили рўйхатга олинган 1 млн. 326,9 минг АҚШ доллари миқдоридаги устав фондига эга бўлган "SANAMSISTEM" МЧЖ Эрон хорижий корхонаси вилоят статистика бошқармасида ҳисобда турса-да, устав фонди шакллантирилганига оид маълумотларни тақдим этмаган. Бундан ташқари, 2009 йил 6 октябрда рўйхатга олинган "NIKAUQARQAK" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг устав фонди тўлиқ шакллантирилмаган.

Товар ва маҳсулотларнинг экспорти ва импорти жараёнларида тўлов интизомига риоя қилинмаган ҳолатлар ҳам аниқланди. Экспорт контрактлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик 879,6 минг, кредитор қарздорлик эса 12,2 млн. АҚШ доллари, импорт контрактлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик 57,9 млн., кредитор қарздорлик 3,3 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Хусусан, "Туронбанк" Фарғона филиалида ҳисоб рақами очилган "Саита" МЧЖ ва "Farmabico" LLC ўртасида 2007 йил 16 февраль куни тузилган тиббий асбоб-ускуналар етказиб бериш тўғрисидаги импорт шартномаси бўйича 19,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйилган. Бундан ташқари, 2008 йилдан буён МЧЖ ДСИга ҳисобот топширмай келган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун вилоят ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган кафолатлар, афзалликлар ва имтиёзларнинг амалда рўёбга чиқарилиши ва вужудга келган муаммоларнинг бартараф этиб борилишига доир чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Амалий ёрдам кўрсатилмоқда

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

У.КУЛИЕВ,
Зомин туман прокурори ёрдамчиси

Хусусан, туман прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, эркин фаолияти йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлиги ва Давлат солиқ инспекциясида ойига бир маротаба тадбиркорлар ва барча назорат қилувчи органлар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, муаммолари ва шарт-шароитлари ўрганилиб, соҳада мавжуд камчиликлар ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан фикрлар алмашилиб келинмоқда.

Йиғилишларда туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар эркинлигини янада кенгроқ таъминлашга қаратилган Фармон ва қарорлари туфайли эндиликда уларнинг фаолиятига ҳеч ким ноқонуний аралашмаслиги, тадбиркорлар томонидан тақдим қилинадиган ҳисобот тизими такомиллаштирилиб, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги билдирилмоқда. Шунингдек, туман прокуратураси томонидан ҳар 10 кунда туман ҳокимлиги ва назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ барча қарорлари, фармойишлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлиги ўрганилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида туман прокуратурасида "007" рақамли ишонч телефони ташкил қилиниб, тадбиркорлик фаолиятида ноқонуний текширишлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ёки ҳар қандай тўсиқлар бўйича мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтирилмоқда. Жумладан, туманда фаолият кўрсатаётган "Адиба" кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари А.Хорунов ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, ДТ "Халқ банки" мижози эканлигини, банк масъул ходимлари томонидан унинг ҳисоб рақамига келиб тушган 9 млн. 800 минг сўм пул маблағлари ундан сўралмасдан тумандаги АТИБ "Ипотека банк" Жиззах филиали Зомин мини банки мижози бўлган "SOLAR EDGE" МЧЖнинг ҳисоб рақамига ноқонуний ўтказиб юборилганлигини баён қилиб, мазкур ҳолатни ўрганиб, пул маблағларини қайтаришни сўраган.

Ҳолат бўйича туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилганда, ДТ "Халқ банки" Зомин туман филиали ҳисобчиси Дилшод Қаюмов АТИБ "Ипотека банк" Жиззах филиали Зомин мини банки мутахассиси Одил Исмоилов билан ўзаро келишиб, 2012 йил 7 майда "Адиба" КТИЧСФнинг ДТ "Халқ банки" Зомин туман филиали ҳисоб рақамида бўлган 9 млн. 800 минг сўм пул маблағларини моддий ёрдам сифатида АИТБ "Ипотека банк" Жиззах филиали Зомин мини банки мижози бўлган "SOLAR EDGE" МЧЖнинг ҳисоб рақамига ноқонуний равишда ўтказиб юборганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан ДТ "Халқ банки" Зомин филиали мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қонуний чоралар кўрилмоқда.

Туман прокуратураси томонидан бундай мурожаатлар келгусида ҳам назоратга олинади.

Муҳтарам Юртбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қишлоқлар қиёфасининг тубдан яхшиланишига, қишлоқ аҳолисининг шаҳарлардаги шарт-шароитлардан қолишмайдиган уй-жойларга эга бўлишига хизмат қилмоқда. Хоразм воҳасида ҳам кўпчилик ёш оилалар ушбу имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда тинч ва осуда, фаровон турмуш кечирмоқдалар. Бироқ барча қурилиш корхоналари давлат томонидан яратиб берилаётган шарт-шароит, кенг имкониятлар ҳамда солиқ қонунчилигидаги енгилликлардан оқилона фойдаланаяптими? Афсуски, қуйидаги ҳолатнинг гувоҳи бўлар экансиз, яратиб берилаётган имкониятларни суиистеъмол қилувчилар ҳам борлигига амин бўласиз.

Уйингизда тўйлар бўлсин

Ҳамза САИДОВ,
СВОЖЖДЛҚ Департаментининг Урганч туман бўлими бошлиғи

СВОЖЖДЛҚ Департаментининг Урганч туман бўлимига фуқаро У.Раҳимов ва З.Қурбонбоева ариза билан мурожаат қилдилар.

Ариза асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан 2011 йилда намунавий уй-жой қуриш учун давлат бюджети ҳисобидан ажратилган кредит маблағларининг мақсадли фойдаланилиши ўрганилди.

Маълум бўлишича, намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриш билан шуғулланувчи "Хоразм улкан замон қурилиш" МЧЖ 2011 йил давомида Урганч тумани Гойбу қишлоғидаги фуқаро З.Қурбонбоевага тегишли 21-уй ва фуқаро У.Раҳимовга тегишли 22-уйларда қурилиш олиб борган. Бироқ ушбу уйлар қурилиши тўлиқ тугалланмаган бўлса-да, қалбаки "Қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида давлат қабул ҳайъати далолатнома"лари, уй-жойларнинг фойдаланишга топширилгани тўғрисида ҳужжат тузганлар. Жумладан, фуқаро З.Қурбоновага тегишли 21-уйда аслида бажарилмаган 17 млн. 588 минг сўмлик, У.Раҳимовга тегишли 22-уйда 21 млн. 182 минг 340 сўмлик, жами 38 млн. 770 минг 343 сўмлик қурилиш ишларининг бажарилганлиги тўғрисида сохта маълумотлар киритилган Ф-2 ҳисоботини 2011 йил 30 декабрь санаси билан қалбакилаштириб, фуқаролар У.Раҳимов ва З.Қурбонбоевалар манфаатига зарар етказган ҳолда уй-жойларни фойдаланишга топшириш ҳақида далолатнома расмийлаштирилган. Ушбу ҳолат юзасидан жамият раҳбари А.Абдуллаевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаларига мувофиқ жиноят иши қўзғатилди.

Бу орада фуқаролар М.Адамбоева ва У.Бекчанов ҳам бўлимимизга шу мазмундаги ариза билан мурожаат қилдилар. Шу асосда ушбу фуқароларга тегишли уй-жойларда қурилиш ишларини олиб борган "Чанашик қурилиш таъмирлаш" МЧЖ фаолияти ўрганилди. Маълум бўлдики, жамият раҳбари Ф.Қиличев фуқаро М.Адамбоевага тегишли бўлган 10-уйда 21 млн. 210 минг 137 сўмлик ҳақиқатда бажарилмаган қурилиш ишларининг бажарилганлиги ҳақида қалбаки ҳужжат тузиб, сохта маълумотлар асосида Ф-2 ҳисоботини қалбакилаштирган ҳолда, ушбу фуқаролар манфаатига 43 млн. 173 минг 248 сўмлик зарар етказган. Жамият раҳбари Ф.Қиличевга нисбатан қонуний асосларда Жиноят иши қўзғатилди.

Қўшни қўшнидан эрта уйғонишни ўрганади, дейдилар. Шу ҳудудда намунавий уй-жойга эга бўлган фуқаролар А.Ортиқов ва С.Атажанова ҳам ўзларига топширилган уй-жойларнинг аҳволидан норозилиги, қурилиш ишлари тўла бажарилганидан шубҳада эканликларини билдириб, бўлимимизга мурожаат қилишди.


Текшириш жараёнида уларнинг мурожаатлари асосли деб топилди. Аниқланишича, А.Ортиқов ва С.Атажановага тегишли уйларда қурилиш ишлари "Ziyodbek eksklyziv" хусусий корхонаси томонидан амалга оширилган. Ушбу хусусий корхона раҳбари М.Якубов ҳам ҳамкасбларидан "ибрат" олган ҳолда, фуқаро А.Ортиқовга тегишли 27-уйда 33 млн. 678 минг 398 сўмлик ва С.Атажановага тегишли бўлган 28-уйда 29 млн. 511 минг сўмлик, жами 63 млн. 189 минг 416 сўмлик ҳақиқатда бажарилмаган қурилиш ишларининг бажарилганлиги ҳақида қалбаки ҳужжат тузиб, сохта маълумотлар киритилган Ф-2 ҳисоботини тайёрлаган.

Нафсим маним балодур, ёнар ўтга солодур, дейдилар. М.Якубов ҳам энди қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Бу каби ҳолатлар уй-жой қурилиши билан шуғулланаётган бошқа мутасаддиларга ҳам сабоқ бўлади деган умиддамиз. Чунки халқ манфаатларини ўйлаб қабул қилинган қарор ижросини тўла таъминламасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Янги уй соҳибларига эса хонадонгизда тўйлар бўлсин деб қоламиз.

Жамият равнақининг муҳим таянчи

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/



Юртбошимиз томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганлиги алоҳида таъкидланган эди. Шунингдек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши, янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилиши қайд этилган эди.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маъқулланган эса бу борада муҳим қадам бўлди. Зеро, жорий йилнинг 27 апрелидан кучга кирган бу қонун мамлакатимизда оилалар фаровонлиги ва барқарорлиги, уларнинг мустаҳкамлигига хизмат қилади.

"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг асосий мақсади — оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унга кўра, оилавий тадбиркорлик — оилавий корхона томонидан амалга ошириладиган, тавакқал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолият эканлиги, шунингдек, оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланиши белгилаб қўйилди. Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъекти мақомининг берилиши эса, у тўлиқ фирма номига эга бўлиши, уларнинг иқтисодиётда тенг ҳуқуқ асосида эркин фаолият юритишига кенг йўл очади.

Оилавий тадбиркорликнинг яна бир муҳим жиҳати, аҳолининг кўпчилик қисмини иш билан банд қилиш, четга иш кучлари чиқиб кетишининг олдини олиш, меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга, мамлакатимизда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида йигирмадан ортиқ Фармон ва қарорлар ҳамда Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелда "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони шулар жумласидандир.

Мазкур Фармон билан текширишлар тартиби такомиллаштирилди. Жумладан, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги белгиланди. Шунингдек, 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланди.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бош прокурор томонидан "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида" 87-сонли буйруқ қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Шавкат УМУРЗАКОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суд, Олий хўжалик суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулк қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳақида"ги қўшма кўрсатмаси қабул қилиниб, ижро учун ушбу органларнинг қуйи турувчи тизимларига юборилди.

Бир сўз билан айтганда эса, иқтисодиётимиз барқарорлиги, жамиятимиз равнақининг муҳим таянчи бўлган тадбиркорлар манфаати доимо қонун ҳимоясида бўлиб, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашдан кўзланган асосий мақсад, халқ турмуш даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш каби хайрли ишларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Ватан ичра Ватан бу

Элликқалъа туман прокурори Шуҳрат Ботиров билан суҳбат

— Шуҳрат Бахтиёрович, мамлакатимиз тарихида туманнинг, туман аҳлининг ўзига хос ўрни бор. Аввало, газетхонларимизга шулар тўғрисида гапириб берсангиз?

— Дарҳақиқат шундай. Туманимиз нафақат Қорақалпоғистонда, балки Ўзбекистон Республикасида ҳам ўз ўрнига, салоҳиятига эга туманлардан саналади. Истиқлол шарофати билан туман ҳар қачонгидан ҳам чирой очган. Буни сўнгги йилларда туманда аҳоли турмуш даражасининг ошгани, унинг маркази — Бўстон шаҳрининг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда қад ростлаган турар жой бинолари, маданият саройлари, спорт комплекси, мактаб, коллеж ва лицейлар киши кўзини қувонтиради.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик ривожланмоқда. Бугун туманда 2054 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар қизғин иш олиб бормоқдалар. Кичик бизнес ва тадбиркорликка алоҳида йўл очиб берилгани шарофати билан биргина ўтган йилнинг ўзида 5523 та янги иш ўринлари яратилди. Аҳоли 100 фоиз электр энергияси, 99,4 фоиз табиий газ, 76,6 фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Қишлоқларимиз жамоли кун сайин чирой очмоқда. Улар шаҳардан қолишмайди. Кейинги икки йилда 7 та овулда 115 та янги турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яна 5 тасида шу кунларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, туманда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган адабиёт ва санъат кунлари — "Ақчакўл илҳомлари" шеърият байрами мақтовга лойиқ. Ахир, маънавияти бой кишидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди-да.

Устоз қўшиқчи Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган кўрик-танловнинг эса нуфузи йилдан-йилга ортиб, иқтидорли ёшларни юзага чиқармоқда. Яна бир янгилик, шу йил 5-6 май кунлари туманимизнинг Тупроққалъа тарихий ёдгорлиги ҳудудида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғарма ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали барчада катта таассурот қолдирди.

— Юртимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси туманда қандай акс этмоқда?

— Бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Аввало, таълим соҳасини олайлик. Бугунги кунга келиб, туманимизда эски бинода фаолият кўрсатаётган бироита ҳам мактаб қолмади. Мактабларнинг умумий сони 71 та бўлса, махсус қабул қилинган умуммиллий дастур асосида уларнинг 58 таси учун бутунлай янги бинолар барпо этилди. Бугина эмас, уларнинг барчаси замонавий компьютер техникаси, мебел, ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Ислоҳотларнинг самарасини соғлиқни сақлаш тизимида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳар бир қишлоқда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди.

Бундан ташқари, халқимизнинг турмуш даражаси йил сайин яхшиланиб бормоқда. Биргина мисол, бундан 10 йил олдин, яъни 2002 йили ҳар 14 та оилага 1 та енгил автомобил тўғри келган бўлса, бугун 4 та оилага битта енгил автомобил тўғри келмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган оқилона сиёсатнинг самараларидир.


— Ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий шартларидан бири қонун устуворлигига эришишдир. Туманда бу борада аҳвол қандай? Туман прокуратураси давлат ва жамият манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Қонун устуворлигига эришиш дунёдаги инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинадиган барча давлатларнинг энг асосий мақсадларидан биридир. Агар давлатда қонун устувор бўлмаса, қонун олдида барчанинг тенглиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги ҳақидаги гаплар қоғозда қолиб кетаверади. Шунинг учун юртимизда суд, прокуратура, адлия, ички ишлар органлари, адвокатуранинг фаолияти ушбу мақсадга эришишга қаратилган. Улар орасида прокуратура органларининг ўз ўрни бор. Улар бутун мамлакатда қонунларга аниқ ва бир хилда риоя этилиши устидан назоратни амалга оширмоқдалар.

Элликқалъа туман прокуратураси мисолида айтадиган бўлсак, прокуратура ходимлари зиммасига юклатилган барча вазифаларни сидқидилдан адо этиш асносида асосий эътибор давлат ва жамият манфаатлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида ўтказилган текширишларда аниқланган ҳуқуқбузарлик ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга 11 та тақдимнома, етказилган 21 млн. 56 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга 14 та даъво аризаси киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят иши қўзғатилди. Масалан, тумандаги Навоий номидаги овул фуқаролар йиғинининг ижтимоий нафақалар тайинлаш комиссияси мансабдор шахслари 2012 йилнинг февраль ойидан июнь ойига қадар фуқаро М.Назаровага 251 минг 680 сўмлик, К.Нуриллаевага 125 минг 840 сўмлик, М.Исмоиловага 125 минг 840 сўмлик, Г.Аминовага 125 минг 840 сўмлик нафақа маблағларини ноқонуний тўлаб, жами 629 минг 200 сўмлик бюджет маблағларини талон-торож қилишган. Мазкур ҳолат бўйича ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Кўрилаётган бундай чоралар туманда қонун устуворлигини, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлашга, шу орқали фуқароларда қонунга итоаткорлик, ҳурмат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади.

/Давоми 8-бетда/



Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик кучайтирилди



Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва раҳнамолигида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини қонуний ҳимоя қилиш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу борадаги ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қонунчилик асослари яратилиб, йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда.

Абдунаби ДЖАЙНАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Шу кунларда қабул қилинганлигининг 20 йиллиги нишонланиши арафасида турган Асосий Қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланганлиги, фуқаролар, юридик шахслар ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да хусусий мулкнинг ҳуқуқий кафолати ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш ҳақида тўхталиб, "ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим"лигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, 2011 йил мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан 2011 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, унда белгиланган ташкилий-ҳуқуқий вазифалар 2012 йилда ҳам босқичма-босқич ижро этиб келинмоқда. Хусусан, қарорда белгиланганидек, "...биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор". Айнан шу йўналишда бир неча қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган ва амалда қўлланилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги 4455-сонли "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 2-бандида "тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисобкитоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукаммаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш" қатъий белгилаб қўйилди.

Жорий йилнинг 30-31 август кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид муҳим қонунлар маъқулланди. Шулар қаторида "Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ана шундай муҳим қонун ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2012 йил 30 август куни маъқулланиб, 12 сентябрь куни матбуотда эълон қилиниб, қонуний кучга кирди.

Мазкур Қонунга кўра, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 241-2-модда ва Жиноят кодекси эса 206-1-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда:

биринчидан, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, яъни мазкур нормага кўра, қонуний асослар бўлмаган ҳолатларда, шунингдек ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлади. Бунда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноий ҳаракат содир этилган деб ҳисоблаш учун, мансабдор шахс ёки бошқа шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 39-моддаси (Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни чеклаш талаблари) бузилган бўлиши керак.

иккинчидан, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақларни бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, яъни мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тадбиркор фаолиятини ва (ёки) унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тушунилади. Бундай ҳаракатларни содир этиш нафақат тадбиркорнинг балки давлат манфаатларига ҳам зиддир. Чунки, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган корхона ва ташкилотлар фаолиятини ва (ёки) унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш давлат миқёсида иқтисодиётга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Ушбу норманинг қабул қилиниши, авваламбор мансабдор ёки бошқа шахсларни ноқонуний равишда тадбиркор фаолиятини ёки унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳолатларининг олдини олади, қолаверса бундай ҳаракатларни содир этганлиги учун жазо муқаррарлигини таъминлайди.

учинчидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари борйўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш, яъни бу норма мансабдор шахс ёхуд бошқа шахсни, улар томонидан тадбиркорларни банкдаги ҳисобварақларидаги маблағлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни ноқонуний равишда талаб қилганлиги учун жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, 2012 йил 2 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Пул маблағларини тасарруф этиш кафолатлари" номли 21-моддасининг еттинчи қисмида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида маълумот талаб қилиб олиш, шунингдек, бундай маълумотларнинг банклар томонидан қонунга хилоф равишда тақдим этилиши тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги 206-1-моддаси биринчи қисмидаги, яъни юқоридаги ҳаракатларни содир қилган шахслар, биринчи марта маъмурий жавобгарликка тортилиши, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Булардан ташқари, Жиноят кодексига янги киритилган 206-1-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам назарда тутилган бўлиб, агарда юқорида қайд этиб ўтилган қонунга хилоф ҳаракатлар кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, айбдор шахсни тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мазкур "Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилинишини авваламбор, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, жамиятда бу турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга, қонун ҳужжатларидаги ўзига хос "бўшлиқни" тўлдиришга ва тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш орқали бундай қилмишларга чек қўйишга хизмат қилади.

Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири бу — иқтисодиёт, хусусан, мулк, солиқ, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш каби жиноятлар учун жавобгарликни либераллаштириш, ижтимоий хавфлилигини йўқотаётган жиноятларни декриминализация қилиш, шу билан бир қаторда, иқтисодиёт соҳасида янги пайдо бўлаётган айрим ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашишни бартараф этишни янада такомиллаштириш, энг муҳими, бу соҳадаги жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашдан иборатдир.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДИҚК Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Нега ҳар хил эмас?

Мен мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Мактабимиздаги педагог ходимлар сони элликдан ортади. Улар орасида олий маълумотга ва олий тоифага эга бўлганлардан тортиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар ҳам мавжуд. Дарс соатларимиз бир-биримиздан фарқ қилсада, маълумоти ҳар хил бўлган ўқитувчиларнинг ойлиги айрим пайтларда деярли бир хил чиқади. Аслида дарс учун ўқитувчиларга ойликнинг соатбай аниқ шкаласи мавжуд-ку. Агар имкон бўлса, ана шу шкала тўғрисида маълумот берсангизлар.

Ш.Ҳакимов,
Тошкент шаҳри

Ҳақиқатан ҳам сиз тилга олганингиздек, ўқитувчиларга ўқув машғулотлари учун меҳнатларига соатбай ҳақ тўланиши белгиланган. Лекин бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, умумтаълим муассасаларида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантиришнинг директор жамғармаси ҳам мавжуд. Мазкур жамғарма ҳисобидан ўрнак кўрсатган ўқитувчиларга ҳар ойлик устамалар, бир марталик мукофотлар ва моддий ёрдамлар, тежалган маблағлар мавжуд бўлганда ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақалар молиялаштирилган тақдирда, ойлик иш ҳақи миқдори шулар ҳисобига ҳам ўзгариши мумкин.

Ўқитувчиларнинг бевосита ўтган дарс соатлари учун оладиган ҳақ миқдорларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2012 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган ва 2012 йил 29 августда Республика Адлия вазирлигида рўйхатга олинган "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш Миқдорлари"да белгиланишича, умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш қуйидаги кўринишни ташкил қилади:

Т/р	Лавозимлар номи	Малака тоифаси	Соатбай ҳақ тўлаш миқдори (сўм)
1.	Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	олий малака тоифали	5 971,8
		биринчи малака тоифали	5 629,0
		иккинчи малака тоифали	5 271,1
		олий маълумотли	4 922,2
		ўрта махсус маълумотли	4 601,0
2.	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	олий малака тоифали	4 947,8
		биринчи малака тоифали	4 487,1
		иккинчи малака тоифали	4 202,4
		олий маълумотли	3 925,3
		ўрта махсус маълумотли	3 672,5

Бунинг жавобгарлиги қанақа?

Божхона ходимига нисбатан хизмат текшируви тайинланиб, у ўтказилаётганда ходим хизмат текширувига асос бўлган аризагўйларнинг, холисларнинг аризалари билан таништирилиб, аризагўйлар билан юзлаштириладими ёки йўқми?
Божхона ходими ўзига нисбатан ўтказилган хизмат текшируви якуний хулосаси билан таништириладими ёки йўқми? Мазкур ходим ушбу ҳужжатлар билан таништирилмасдан, у интизомий жазога тортилса, берилган интизомий жазо қонуний ҳисобланадими?
Ходимнинг ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги буйруқ икки ой мобайнида берилмаслиги ҳамда меҳнат дафтарчаси билан ойлик иш ҳақи ҳам бир ярим йил мобайнида раҳбариятнинг турли важларини рўкач қилиш билан берилмай келиши қонунбузилишига киради?
Бундай ҳуқуқ ва қонунбузилишлар учун қандай қонуний жавобгарлик белгиланган?

М.Сапаев,
Урганч шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 мартдаги 135-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг Интизомий Устави"нинг 42-бандида айтилишича, божхона органларининг ҳар бир мансабдор шахси субординацияга риоя қилган ҳолда юқори турувчи бошлиққа, шунингдек бевосита бошлиқлар томонидан хизмат бўйича белгиланган ҳуқуқларни бузганлик тўғрисида унга нисбатан қилинган ноқонуний хатти-ҳаракат ёки ноҳақлик учун тегишли давлат инстанцияларига ёзма ҳолда ариза бериш ёки шикоятнома ёзиш ҳуқуқига эгадир.

Мазкур Интизом Устави ва Меҳнат кодексининг талабига кўра, жазони қўллашдан олдин айбдордан тушунтириш хати олиниши керак. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши у томонидан содир қилган ножўя хатти-ҳаракат учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.


Агар содир бўлган ҳолат юзасидан сиздан тушунтириш хати олинмасдан, маълум қилинмасдан, тўғридан-тўғри интизомий жазо чораси қўлланилган бўлса, бу ҳақда юқори турувчи бошлиққа, шунингдек бевосита бошлиқлар томонидан хизмат бўйича белгиланган ҳуқуқларни бузганлик тўғрисидаги хатти-ҳаракат ёки ноҳақлик учун тегишли давлат инстанцияларига ёзма ҳолда ариза бериш ёки шикоят ёзиш ҳуқуқидан фойдаланишингиз мумкин.

Қолаверса, юқорида тилга олинган Уставда, божхона органларининг мансабдор шахслари ўзларининг фуқаролик ҳуқуқлари чекланган ва бузилган, иззат-нафслари ва қадр-қимматлари камситилган ҳолларда қонунчилик билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар, дейилади.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 8-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса, бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.



Бу пул қаерга кетади?

Мен ўқишни битириб, ишга кирганимга бир йилдан ошди. Ойлик маошимдаги ҳисоб варақчасини қарасам, солиқдан ташқари, ижтимоий суғурта тўловлари ҳам бор экан. Бунга қизиқиб, бухгалтердан унинг нималигини сўрадим. У эса, пенсияга чиқсанг, шу пулни ўзинг оласан, деди. Бу пул фақат пенсияга чиққанида бериладими?

Ф.Солиев,
Асака шаҳри

Бу Давлат ижтимоий суғуртаси деб аталади. У корхона, муассаса ва ташкилотда ишловчи барча ходимларга татбиқ этилиб, ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозим.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 283-моддаси талаби бўйича Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар, шунингдек суғурта қилинган ходимларнинг ўзлари бадал тўлайдилар.

Иш берувчиларнинг Давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламаганликлари суғурта қилинган ходимни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

МКнинг 284-моддасига кўра, суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам Давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;

бола туғилганда бериладиган нафақалар;

давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, Давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда мактаб ёшидаги болаларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу албатта, яхши. Лекин мен тушунмаган бир ҳолат бор. Масалан, бирор-бир оиланинг боласи мактабга ёки коллежга ўқишга бормай юрса, боланинг ота-онаси жавобгарликка тортилар экан. Бундай ота-она қандай жавобгарликка тортилиши мумкин?

Э.Юсупов,
Қарши тумани

Бола манфаати устувор

Оила кодексининг 73-моддасида ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Хусусан, ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгар саналади.

Шу билан бирга, ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт. Лекин ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Бунда уларнинг мазкур ҳуқуқи болаларининг жисмоний ва руҳий ҳолатига, ахлоқий камолотига зарар етказиши мумкин эмас.

Ота-она бу борадаги ҳуқуқларини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга оширганда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун талабига мувофиқ, вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида белгиланган тартибда энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ота-она томонидан уларга қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бажарилмаслиги, лозим даражада бажарилмаслиги ёхуд суиистеъмол қилиниши уларни жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жазо чораларининг қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Тузатиб бўлмас хато қурбони

Юртимизда ёш авлодни маънан етук, жисмонан баркамол этиб тарбиялаш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу айниқса, бола ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли кафолатини яратиш борасидаги ҳаракатларда ўз ифодасини топмоқда. Зеро, фарзандлар — оиламиз гуллари, мамлакат истиқболи. Ана шу гулларнинг гуркираб униб-ўсиши Ватанимиз обрўсига обрў, кўркига кўрк қўшади.

Бахтиёр ИБАТОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти бошлиғи ўринбосари

Халқимиз бутун умрини болаларига, авлодларининг келажагига бахшида қилади. Бугунги кунда бутун республ-ликамиз бўйлаб ҳар бир муассасада оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг тақдири учун қайғуриш масаласига бирламчи вазифа сифатида ёндашилмоқда. Бошқалар фарзанд тарбияси учун ёнибкуяётган бир пайтда ёш оилалардан бири эндигина туғилган қизалоғини тирикчилик қурбонига айлантириб, сотиб юборса-чи!?..

Ҳаммаси узундан-узун орзу-ҳаваслардан бошланди. Қишлоқ шароитида битта фарзандни яхшигина тарбиялаб, едириб-ичириб катта қилаётган Низомиддин билан Ёқутойнинг кўнгиллари шаҳарда яшашни тусаб қолди. Улар тез орада ўзларини тиклаб, бошқалардан ўзиб кетишни ўйлаганди. Худди шаҳарга боришса кифоя, улар учун ҳамма нарса тайёрлаб қўйилгандек туюлганди. Жоҳилона жасорат билан ҳеч қандай режасиз шаҳарга отланишди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидан ижарага топилган уй порлоқ келажакдан дарак бераётгандек эди. Ярим тунгача ширин орзулар ҳақида гурунглашиб, уйқуга кетдилар. Айниқса, Ёқутойнинг севинчи ичига сиғмасди. Тушида ҳам ўзини жаннатмакон жойда кўрди. Ажойиб бир гулзорда сармаст сайр қиларди. Бироз эгилган кўйи гуллардан бирини тўйиб-тўйиб ҳидлади. Бошини кўтарар-кўтармас нотаниш бир кимса унинг райҳонини узиб кетди.

Тонг отди, кун ботди. Низомиддиннинг вақти иш қидириш билан ўтаверди. Табиийки, оилани моддий таъминлаш оғирлаша бошлади. Бу маҳалга келиб Ёқутойнинг ой-куни яқинлашиб қолганди. Шу алпозда экан, қўшниларидан бири — Клара исмли аёл қиз бола асраб олмоқчи эканини айтиб қолди. Қалб кўзини парда қоплаб олган эр-хотин туғилажак фарзандини ўша аёлга сотишга қарор қилишди.

Осонгина пул топишни ўйлаб, Клара опанинг эшигини қоқиб боришди.

Салом-аликдан кейин муддаога кўчдилар.

— Кейин афсусланиб қолмайсизларми? — деб сўради Клара опа умиди ушалаётганига ўзининг ҳам ишонгиси келмай.

Низомиддин Ёқутой афсусланмасликларини айтиб, бола туғилганидан кейин барча ҳужжатларни расмийлаштиришларини таъкидладилар.

Кўп ўтмай Клара опа билан Ёқутой поликлиникага йўл олдилар. Туғилажак фарзанднинг қиз эканлиги маълум бўлди. Харажатларга тайёр турган Клара опадан олдиндан 600 минг сўм олиб, кунларини бинойидек ўтказа бошлашди.

Кунларнинг бирида "тез ёрдам" чақириб, Ёқутойни Тошкент тиббиёт академияси қошидаги туғруқхонага олиб боришди. Дори-дармон учун Клара опадан яна 200 минг сўм олинди. Қизалоққа Кутбинисо деб исм қўйдилар. Унга меҳри уйғонган она энди қизини бериб юборишга қаршилик қила бошлади. Лекин анчагина пул олиб, ишлатиб юборганди.

Беш кундан кейин туғруқхонадан чиққан ота-она ўз қишлоғига, болани олган Клара опа турмуш ўртоғи билан ўз уйига жўнаб кетди. Чақалоқни сўраганларга аввалига касалхонада қарашаяпти деб айтишди. Аммо Ёқутой ухлай олмайдиган бўлиб қолди. Нуқул тушида нотаниш кимса унинг райҳонини узиб кетади, у эса онасининг муқаддас китоблардан ўқиб айтган гапларини эслаб, йиғлайверади: "Болалар жаннат райҳонларидир!".

"Нега энди эртароқ қишлоғимга қайтиб қўя қолмадим? Арзимаган муаммоларни деб ўз жигаргўшасидан кечган қандай бахтсиз онаман?! Ўзи мен оналикка лойиқманми? Бундан кўра ўзим сотилганим, ўлганим яхши эмасмиди?"

Ёқутойнинг хаёлига келган сиртмоқ ягона нажотдек бўлиб кўринди. Бир неча бор ўз жонига қасд қилмоқчи бўлар эдию, бироқ қўлидаги арқонни ушлаб, ожизлигидан юм-юм йиғлади. Мурғак гўдак, ёруғ дунёга келибоқ зулматга сингиб кетган аржумандининг мадорсиз йиғиси қулоғига чалиниверди.

У сўнгги кучларини тўплаб, фарзандини яна қўлга олиш учун айбига иқрор бўлишга, мутасадди идоралар билан боғланишга қарор қилди. Илгари бундай ҳолат ҳеч қачон бўлмаганини баён қилиб, турмуш ўртоғи бола учун 1,5 миллион сўм олганини, унга ҳамфикр бўлиб янглишганини ҳам яширмади.

Бироқ ғишт қолипдан кўчган, улар тузатиб бўлмас хатони содир этиб бўлгандилар. Тарихдан ҳам маълумки, соғлом ва ривожланган жамият биринчи ўринда инсон ҳақида қайғуради. Янги авлодни тўғри тарбия қилишга эса биринчи галда ота-оналар масъулдирлар. Ота-оналик масъулиятидан қочган Низомиддин ва Ёқутой эса ўзларини ана шундай бахтдан маҳрум қилиб, суднинг қора курсисида ўтирибди. Суд биносига йиғилганлар ҳам бу ҳодисани ақлига сиғдира олмаяпти. Бир тарафда Клара Сергеевна ўз фарзандидек бўлиб қолган қизчасидан айрилиб қолишдан чўчиса, яна бир тарафда Низомиддин билан Ёқутой ўз болаларини моддий томондан қийналиб, вояга етказишга имконлари йўқлиги сабабли сотишганлигини қайта-қайта такрорлайди.

Суд Н.Суҳробов ва Ё.Нурматоваларга тегишли жазо белгилади.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Навоий вилоят филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 19 сентябрдаги 74-П-сонли буйруғига асосан куйидаги давлат активлари қўйилмоқда:

1. Конимех туман Караката қўрғонида жойлашган инвентар рақами № 20947, 20948, 20949 бўлган 3 та "Барак типидаги бир қаватли бино" объектлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 24 941 000 сўмдан.

2. Конимех туман Караката қўрғонида жойлашган инвентар рақами № 20946 бўлган "Гиштли бино ва гараж станцияси қурилмаси" объекти. Бошланғич баҳоси — 44 321 000 сўм.

Давлат активларини балансда сақловчи: Навоий кон-металлургия комбинати.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Ишлаб чиқариш.

Аукцион савдолари 2012 йил 6 ноябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 5 ноябрь куни соат 18:00.

Талабгорлар диққатига: 2012 йил 6 ноябрь кунги аукцион савдосида сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 20 ноябрь ва 4, 18, 28 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 4 декабрдаги савдолар учун 2012 йил 3 декабрь куни соат 18:00; 2012 йил 18 декабрдаги савдолар учун 2012 йил 17 декабрь куни соат 18:00; 2012 йил 28 декабрдаги савдолар учун 2012 йил 27 декабрь куни соат 18:00да тўхтатилади.

II. Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 75-П ва 76-П-сонли буйруқларига асосан куйидаги давлат активлари қўйилмоқда:

1. Навоий шаҳар Зарапетян кўчасида жойлашган 2 қаватли "Табассум" савдо дўкони объекти. Бошланғич баҳоси — 762 545 987 сўм.

Давлат активини балансда сақловчи: Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Навоий машинасозлик заводи.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Ишлаб чиқариш.

Ер участкасининг умумий ер майдони 1035,33 кв.м, фойдали майдони 1529,48 кв.м., умумий майдони 614,13 кв.м.

2. Навоий шаҳар Жанубий саноат ҳудудида жойлашган 4 қаватли қурилиши тугалланмаган "Маъмурий маиший хизмат корпуси" биноси объекти. Бошланғич баҳоси — 888 480 118 сўм.

Давлат активини балансда сақловчи: Навоий вилоят Давлат мулки бошқармаси.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Давлат мулкини бошқариш.

Ер участкасининг умумий майдони 17787,18 кв.м.

Аукцион савдолари 2012 йил 7 ноябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 ноябрь куни соат 18:00.

Талабгорлар диққатига: 2012 йил 7 ноябрь кунги аукцион савдосида сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 16,23,30 ноябрь ва 6, 14, 21 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий аукцион савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 16 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 15 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 23 ноябрдаги савдо учун 2012 йил 22 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 30 ноябрдаги савдо учун 2012 йил 29 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 6 декабрдаги савдо учун 2012 йил 5 декабрь куни соат 18:00; 2012 йил 14 декабрдаги савдо учун 2012 йил 13 декабрь куни соат 18:00; 2012 йил 21 декабрдаги савдо учун 2012 йил 20 декабрь куни соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Навоий вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банки" Навоий вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007. МФО: 00205, СТИР: 207122519

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва Аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Навоий ш., П.Очилов кўчаси, 24-уй, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Тел: Тел: (8-436) 224-44-01. 224-15-61.

Расмий сайтимиз:
www.1kms.uz Лицензия№RR-0001

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ "Аукцион" савдоларига таклиф этади!

Очиқ "Аукцион" савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Фарғона вилоят хўжалик судининг 26.05.2011 йилдаги 15-11-07/13329-сонли ижро ҳужжатига асосан Фарғона вилояти Данғара тумани "Ишонч Оқтепа жилоси" ММТПнинг Санам Қ.Ф.Й. ҳудуди Эски Шилдир қишлоғида жойлашган икки қаватли 9 хонадан иборат бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси 10 499 599 сўм.

Очиқ "Аукцион" савдоси 2012 йил 6 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очиқ "Аукцион" савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2012 йил 5 октябрдан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2012 йил 5 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур кўчмас мулк 2012 йил 6 ноябрь куни сотилмаганда тақдирда, такрорий "аукцион" савдоси 2012 йил 22 ноябрь куни бўлиб ўтишин олдиндан маълум қилинади.

Очиқ "Аукцион" савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида мулк номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реквизитлари: ИНН 302128329, МФО 00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ.
Почта манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, 21-хона. Тел.+ 99895 404 54 84. Лицензия RR 0094.

Ҳалол, оғир-вазмин, узоқни кўзлаб ишлайдиган раҳбар етти ўлчаб, бир кесади. Корхонасининг, қўл остидаги ходимларнинг манфаатларини ҳар нарсадан устун кўради. Ҳар бир ишни меъёрида, қонун доирасида адо этишга интилади. Бунинг акси, масъул лавозимни эгаллагач, босар-тусарини билмай қоладиган, ҳозирнинг ҳузурини кўзлаб, беш панжасини оғзига тиқадиган "ишбилармон" ўзининг оёғига болта урибгина қолмай, жамоага ҳам зиён-заҳмат етказади.

Ҳаволаб кетган «лочин»

Акрамжон ХАЛИЛОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Бағдод туман бўлими бошлиғи

Хусусан, қирқ бир ёшга кирганида Толибжон Мирзаевнинг омади чопди. "Мирзаобод лочинлари" ММТП ҳиссадорлик жамиятининг раиси лавозимини қўлга киритди. Маълумки, муқобил машина-трактор парклари фермер хўжаликларининг дастёри, оёқ-қўли, жони-дили. Улар шартнома асосида фермер хўжаликларига ерларини шудгорлашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган жараёнларда зарур техника воситалари билан хизмат кўрсатишади. Жамиятнинг ишчи-ходимлари қишин-ёзин тиним билишмаса-ю, иш ҳақларини ўз вақтида олишолмаса, қўллари ишга борадими?

Раҳбар Толибжон Мирзаевни бу савол заррача безовта қилмади. Бир кунини кўрадида, дея ишчи-ходимларнинг иш ҳақларини тарқаттириб бермасдан, ўз билганича сарфлайверди. Жумладан, 2011 йил декабрь ойида "Агробанк"нинг Бағдод бўлимидаги ҳисоб рақамидан иш ҳақи учун олинган 1 млн. 710 минг сўмни, 2012 йил март ойида олинган 1 млн. 200 минг сўмни тарқатмай, ими-жимида ўзлаштирди.

СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг туман бўлими ва туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳисоботларни топширмай келаётган ММТПнинг фаолияти тафтиш қилингнида яна бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Аён бўлишича, раис Т.Мирзаевнинг иштаҳаси тобора карнай бўлиб бораверган экан. Жамиятнинг автогараж биноси, тарозихонаси, омборхонаси, 2-айвонини 10 йил муддатга "Оқсув" агрофирмасига ижарага бериш хусусида шартнома тузилган. Йиллик ижара ҳақи 300 минг сўм миқдорида белгиланган. Т.Мирзаев ижарачидан нақд санаб олган 350 минг сўм ижара ҳақини ҳам жамият ғазнасига кирим қилмасдан ўз эҳтиёжларига сарфлаган.

Раис расмиятчиликдан, шартномалар асосида ишлашдан кўра оғзаки битишувларни маъқул кўрган. "Тх4" русумли занжирли трактorни ижара шартномаси тузмай фойдаланиб туриши учун "Зироатчи балиқчи" фермер хўжалигига қўшқўллаб топшириб қўйган. Бунинг натижасида жамиятнинг ғазнасига 2011-2012 йиллар мобайнида техника воситасидан фойдаланиш эвазига келиб тушиши лозим бўлган 5 млн. 250 сўм миқдоридаги фойда бой берилган.

Ўзи хон, қўланкаси майдон Т.Мирзаев жиноий қилмишларини давом эттириб, ҳеч қандай шартнома тузмасдан 2 та "Т28х4" русумли тракторларни таниш-билишларига, темир мола, кран гараж, ер текислагич, ариқ қазигич, ўғит сепгичларни фермер хўжаликларига фойдаланиб туришлари учун бериб юборган. Раис амалдаги қонун талабларини писанд қилмасдан жамиятнинг 2011 йил фаолиятига оид ҳисоботларни Давлат солиқ инспекциясига тақдим этмай, 6 млн. 234 минг сўмлик солиқ ва бошқа турдаги тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Мансаб вазифасига совуққонлик билан қараб, 2012 йилнинг 1 май ҳолатига муддати ўтган 4 млн. 410 минг сўмлик дебиторлик, 3 млн. 105 минг сўмлик кредиторлик қарздорликка йўл қўйган. Юқоридаги қилмишлари билан жамият ва давлатнинг манфаатларига жиддий зиён етказган.

"Мирзаобод лочинлари" ММТП раисига нисбатан қўзғатилган жиноят иши суд мажлисида кўриб чиқилди. Судланувчининг айбдорлиги ўзининг иқрорлигидан ташқари ҳужжатли далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тўлиқ исботланди. Оёғи ердан узилиб, ҳаволаб кетган "лочин"га осмондан ерга тушириб қўядиган, қилмишидан тегишли хулоса чиқариб оладиган жазо тайинланди.

Раиснинг эски андозаси



Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Ниқиқ»

Экинзорларимизда оғир темир ғилдиракли "ХТЗ" ва "ЧТЗ" тракторлари ишлаган даврлар тарихга айланди. Эндиликда намуна сифатида музейларга қўйилган бундай тракторлар биз учун "ибтидоий давр" техникаси бўлиб туюлади. Уларни ҳозирги замонавий техника воситаларига таққосласак, ер билан осмонча фарқ борлигини кўрамиз

Дарҳақиқат, даврлар ўтиши билан фан-техниканинг тараққиёт даражаси жуда илгарилаб кетди. Инсоннинг техникадан фойдаланиши ва унга бўлган муносабати ўзгарди. Аммо бу ўзгариш айрим кишиларда, хусусан, "Кўкдала машина-трактор парки" ДАЖ раиси Ғулом Эргашевда бутунлай ўзгача намоён бўлди. Яъни тракторларни "ечинтириш" ва уларнинг эҳтиёт қисмларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш раиснинг кундалик одатига айланиб қолди. Унинг бундай хатти-ҳаракати ўз уйига ўзи ўғриликка тушган одамни эслатади.

Маълумки, бу дунёда ҳеч нарса боқий эмас. Жумладан, техника воситалари ҳам маълум муддат ўтиб ишдан чиқади. Мазкур МТПдаги айрим қишлоқ хўжалик машиналари, жумладан, ҳайдов тракторлари ҳам бироз эскирган эди. Бу ерда ўн йил ва ундан ортиқ муддатда иш бажарган "Магнум-8940" русумли тракторлар мавжуд бўлиб, яхшилаб таъмирланса улар яна узоқ йиллар фермерларимизнинг оғирини енгил қилиш қувватига эга эди. Бироқ жамоа раиси Ғулом Эргашев бошқачароқ йўл тутишни маъқул кўрди. ДАЖнинг балансида турган тракторлар унинг назарида эскирган ва ишга яроқсиз бўлиб кўринди ва раис уларни бирин-кетин "ечинтиришга" киришиб кетди. Дастлаб 1998 йилда ишлаб чиқарилган "Магнум-8940" русумли ҳайдов трактори раиснинг "ғазаби"га учради. Унинг қиймати 2 миллион 210 минг сўм бўлган пепси насоси ечиб олинди ва трактор шу тахлитда стартёридан ҳам ажралди. "Магнум"ларни ечинтириш раисга ёқиб қолди ва у нархи 387 минг сўмлик мой радиаторини ҳам "Бунинг сенга нима кераги бор, сен қаридинг", деб ечиб олиб, ўз фойдасига ўзлаштирди. Энди ярим ялангоч ҳолга келган трактор ўз қиёфасидан ҳижолат тортгандай паркнинг бир чеккасида абгор ҳолатда турарди. Ваҳоланки, бу трактор ҳали ишга яроқли бўлиб, яна бир неча йиллар давомида ундан самарали фойдаланиш имкони бор эди. Аммо Ғулом Эргашев тракторни кўздан кечирар экан, ҳали ундан олиш мумкин бўлган нарсаларнинг кўплигини кўриб, ечинтиришни давом эттирди ва янада ғайрат билан ишга киришди. Натижада нархи 35600 сўм турадиган "903640" русумли мой фильтри ва турли русумлардаги яна 2 дона фильтр, ҳар хил ўлчамдаги қимматбаҳо шланглар, ҳаво тозалагич ускуналари ва бошқа турдаги эҳтиёт қисмлар раиснинг назарида машина-трактор парки учун кераксиз эди. Шу типдаги яна икки тракторнинг бошига ҳам худди шундай савдо тушди. Ғулом Эргашев шу йўл билан умумий қиймати 7 миллион 460 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-торож қилди.

Маълумки, ҳар қандай жамият ҳаётни яхшилашга ва тараққий эттиришга асосланган тартиб-қоидалар асосида яшайди. Бу тартиб-қоидаларни бузиш, жамиятга қарши бориш, унинг қонунларига бўйсунмаслик эса оғир жиноятларни келтириб чиқаради. Ғулом Эргашев мансабдор шахс бўлгани ҳолда ўзи бошқараётган корхона мулкига кўз олайтириш ва уни талон-торож қилиш билан чекланиб қолмай, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлади. Солиқ кодексининг 32-моддаси 1-қисми, 1, 2-бандлари талабларини бузиб, бухгалтерия ҳисобини юритиш, молия ва солиқ ҳисоботларини тузишни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Шу йиллар мобайнида Давлат солиқ инспекциясига ҳеч қандай ҳисобот тақдим этмади. Натижада "Кўкдала машина-трактор парки" ДАЖ катта миқдорда қарзга ботди. 2010-2011 йиллар давомида давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича қарз жами 17 млн. 697 минг 475 сўмга ҳамда бу жамғармаларга ўз вақтида ўтказиб берилмаганлиги учун пеня қарздорлиги 20 млн. 260 минг 245 сўмга етди ва давлат бюджетига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилди.

Бу билан судланувчи Ғулом Эргашевнинг Жиноят кодекси 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, Ғ.Эргашев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Вазирлар Маҳкамасининг "Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги (1999 йил 19 июль) Қарори талабларини бузиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилишда давом этди. 2012 йил 1 апрель ҳолатида корхонанинг 1 миллиард 289 миллион 569 минг сўмдан зиёд дебиторлик қарзларини ундириб олиш юзасидан жиддийроқ ҳаракат қилмаганлиги оқибатида корхона ишчи-хизматчиларининг 108 млн. 243 минг 502 сўм миқдоридаги иш ҳақи тўланмасдан қолиб кетди ва фуқароларнинг ҳамда давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказилди.

Суд ва дастлабки терговларда Ғ.Эргашев ўз айбига иқрор бўлиб, пушаймонлик билдирди. Шу билан бирга, жиноят содир этилишига сабаб бўлган айрим ҳолатларни ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўзича изоҳлашга уринибк кўрди. Унинг судда кўрсатув беришича, жиноятнинг содир этилишига корхонанинг маблағи йўқлиги сабаб бўлган. Муддати ўтиб, носоз ҳолатга келиб қолган техника воситаларини бутлаш учун эҳтиёт қисмлари сотиб олишнинг имкони бўлмаган. Натижада эҳтиёт қисмлар бир трактордан ечиб олиниб, бошқасига қўйилган ва мониторинг пайтида барча талаб қилинган эҳтиёт қисмларини тақдим этиш имкони бўлмаган.

Ғ.Эргашев судда кўрсатув бераркан, айбнинг бир қисмини фермер хўжаликлари устига ағдаришга уринди. Гўёки фермерлар қилинган иш учун корхона ҳисоб рақамига пул ўтказмаганлар, ўтказилган маблағ ҳам солиқ ва бошқа тўловлардан ортмаган. Корхона бош ҳисобчиси А.Пардаевнинг бир-икки ой ишлаб, иш ҳақи ололмагач, турли жойларда мардикорчилик қилиб юргани, ҳисобкитоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ишчи-хизматчилар иш ҳақи ололмаслигига сабаб бўлган.

Айб кимда? Фермер хўжаликлари МТП томонидан кўрсатилган техника хизмати учун пул тўлашдан бўйин товлаётган экан, корхона раҳбари талаб қилиши, суд орқали ундириб олиши керак эмасми? Ёки Ғулом Эргашев катта корхонанинг раиси бўла туриб, бу тўғридаги қонунларни билмайдими? Умуман, ҳозирги шароитда бундай киши раҳбарлик лавозимида ишлай оладими? Маълумки, ҳар қандай ишни бошлашдан аввал фермерлар билан шартнома тузилади ва шартномада ҳар иккала томоннинг мажбуриятлари кўрсатилади. Шартнома шартларини бажаришдан бўйин товлаган томон суд олдида жавоб беради. Корхона раҳбари масаланинг бу томонини ҳам яхши билиши керак эди.

Халқимизда "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади", деган ҳикмат бор. Ғулом Эргашев эса қаловини тополмади. Корхонанинг дебиторлик қарзлари кўпайиб кетди. Ишчи-хизматчилар ойлик иш ҳақи ололмадилар, бош ҳисобчи кетиб қолди. Солиқ ва бошқа тўловлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида пеня тўловлари ҳам ой сайин ошиб бораверди. ДАЖ раиси Ғулом Эргашев эса аҳволни ўнглаб олиш ўрнига МТП ихтиёридаги воситаларнинг эҳтиёт қисмларини ечиб олиш билан шуғулланишдан бошқа чора ўйлаб топишга ожизлик қилди. Раиснинг бундай фаолиятини жиноятдан бошқа нарса деб баҳолаб бўлмасди. Биргина давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича қарийб 177 миллион сўм маблағни ҳамда 20 миллион сўмдан зиёд пеня тўламасликнинг ўзи жиноят эмасми?

Хуллас, Чирокчи туман "Кўкдала машина-трактор парки" ДАЖ раиси Ғулом Эргашев қилган жинояти учун суд олдида жавоб берди ва қонун доирасида жазосини олди.

Айтиш жоизки, бугунги раҳбар иш юритиш, билим ва тажриба, айниқса, қонун-қоидаларни билиш борасида ўзининг ўтмишдошларидан кескин фарқ қилади. Эски андоза билан ишлайдиган раҳбар замон талабларига дош бера олмайди. Бу техника юксак даражада тараққий этган бир даврда пахтазорга музейдаги ибтидоий "ХТЗ" ёки "ЧТЗ" тракторларини олиб кириб ишлатишга ўхшайди.

Сериалсевар ўғрилар



Нарпай туманининг Тортувли қишлоғида яшовчи Болабек Хайруллаев эндигина 22 ёшни қаршилаган. У мазкур туманнинг Косагорон қишлоғилик Нигора Ҳусанова билан телефон орқали танишиб қолди. Орадан анча вақт ўтиб, муносабатлари қуюқлашиб кетгач, Болабек Нигоранинг уйига бориб турадиган бўлди. Бу орада у қизнинг онаси Муборак билан ҳам яқиндан танишиб олди.

— Болабек, битта қўйимиз бор, шуни сотишга ёрдам беринг, — деди бир куни Муборак.

Болабек рози бўлди. Қўйни энди бозорга олиб кетаётганларида шу қишлоқда яшовчи Алишер Худойназаров келиб қолди.

— Сизни учратганим яхши бўлди. Ўрнимга бозорга сиз борақолинг, — деди Муборак вазиятни тушунтириб.

Унга илгаридан таниш бўлган Алишер илтимосига йўқ демади. Икковлон қўйни Алишернинг "ИЖ" русумли мотоциклига ортиб, бозорга жўнашди. Қўйни сотгач, ошхонага кириб, овқатланиш жараёнида яқин бўлиб олишди.

— Уйда қўй, моллардан кўпми, моддий аҳволинг яхшими? — деди Алишер.

Болабек моддий шароити унча яхши эмаслигини айтди.

Агар хоҳласанг, битта фойдали иш бор. Сен мол ўғирлайсан, мен эса уни сендан сотиб оламан. Қарабсанки, жарақ-жарақ пул осонгина қўлингга тушаверади.

Болабек бироз ўйланиб, рози бўлди. Иккаласи гапни бир жойга қўйиб хайрлашишди. Алишер телефон орқали "иш"нинг қандай кетаётганини сўраб турди.

* * *

Бу ишга яна кимни шерик қилишни ўйлаган Болабек ўртоғи Рамазон Худоёровнинг олдига борди. Унга таклифини баён қилган эди, Рамазон рози бўла қолди. Икковлон биргалашиб режа тузишди. Режага биноан, "Дамас" автомашинаси бор Ўлмас Хўжаевни сафларига қўшиб олишлари керак эди. Аммо, улар ўғирлик қилаётганликларини Ўлмасдан сир тутишни лозим топишди. Ўлмас бу ишга бир-икки аралашгач, ўғирлик қилаётганини билиб қолса ҳам шерик бўлганини рўкач қилишса, гуруҳдан чиқиб кетолмасди. Шундай ҳам бўлди.

* * *

Болабек билан Рамазон "Олти ўғил" қишлоғига жўнашди.

— Рамазон, телевизорда айни сериал намойиш қилинаётган пайтда ўғирликка кирамиз. Бу ўғирлик учун жуда қулай фурсат, — деди Болабек.

— Ҳамма тўй билан, бўри қўй билан бўлар экан-да, — тиржайди Рамазон.

Қишлоқ оралаган икковлон Лола Зокированинг ҳовлисини мўлжалга олишди. Секин девордан ошиб, қўйхонадан сарғиш рангли қўйни катта йўлга олиб чиқиб, Ўлмасга хабар беришди. У келгач, машинасида қўйни Косагорон қишлоғига, Муборакнинг уйига олиб боришди.

— Мол олди-сотдиси билан шуғулланаяпман. Уйимда молни сақлашга шароитим йўқ. Шунинг учун сизникида турсин, — деб илтимос қилди Болабек.

Муборак ҳам "йўқ" демади. Болабек Алишерга хабар берганди, дарҳол етиб келди. Қўй 175 минг сўмга баҳоланди. Олган суммадан Ўлмасга 60 минг сўм бериб, қолганини ўзида олиб қолди. Рамазонга келаси сафар беришини айтди.

Орадан бироз ўтиб, Ўлмасни режадан бохабар қилиб, уни ҳам гуруҳга қўшиб олишди.

* * *

Учовлон сафларини кенгайтириш мақсадида таништари Шерзод Худойқуловни ҳам гуруҳга қабул қилишди. Гуруҳ аъзолари бу сафар "Самарқанд-Бухоро" йўли четидаги қишлоқлардан бирига йўл олишди. Бу гал Шерзод бошқарувидаги "Дамас"да "ов"га чиқишди. Шерзод машинаси билан чеккарокда кутиб турадиган бўлди. Қолганлар қишлоқ оралаб кетишди. Атрофи девор билан ўралмаган бир уй олдида ола сигир каттагина бузоғи билан турарди. Ўғрилар дарҳол арқонни пичоқ билан кесиб, молларни етаклаб кетишди. Сигирни "Дамас"га ортолмагач, уни қолдириб, бузоғини олиб кетишди. Молни яна Муборакнинг уйига олиб боришди. Болабек эртага мижоз келишини айтиб, шу ерда меҳмон бўлиб қолди. Шериклари ортларига қайтишди. Эртаси куни Алишерга хабар берган эди, у "молни уйга олиб кел" деди. Болабек молни шу қишлокда яшовчи Шерали Мамаюсуповнинг "Дамас" автомашинасида "мижоз"нинг уйига олиб борди. Ундан 440 минг сўм олиб, ҳайдовчига хизмат ҳақини бериб, қолганини гуруҳ аъзолари билан бўлишиб олди.

Саъдулла ЮСУПОВ,
Пахтачи туман прокурори

* * *

«Муваффақият»дан руҳланган ўғрилар орадан бир неча кун ўтиб, яна "ов"га чиқишди. Бу сафар 6 бош қўйни ўғирлаб, пуллашгач, ортларига қайтаётганда бир ўлжани кўз остиларига олиб кетишди.

Ўғрилар тўдаси "Чақар" қишлоғидаги ошхоналардан бирига кириб, тамадди қилишди. Қулай фурсатни кутиб, телевизорда сериал бошланган вақтда ишга киришдилар. Неъматулло Ҳайдаровнинг оғилхонасидаги ҳўкизни олиб чиқиб, Дамасга ортишди. Болабек Алишерга воқеа юзасидан хабар берган эди, у ҳозир Самарқандда эканини, молни эртага олиб келишни айтди. Улар ноилож яна Муборакнинг уйига қайтиб боришди.

— Ҳўкизни бозорда сотолмадик, — деди Болабек. — Бугунча шу ерда турсин, эртага олиб кетамиз.

Хонадон бекаси қаршилик қилмади. Одатдагидек Болабек шу ерда қолди, шериклари эса уйларига кетишди. Эртасига Болабек ҳўкизни Алишернинг уйига олиб бориш учун яна Шералига илтимос қилди. Машинасини уйига қўйиб, қайтиб келган Ўлмас уларга ёрдамлашди. Кетаётганларида йўлда турган милиция ходимига кўзи тушган Ўлмас Шералига "Машинани тезроқ ҳайданг, милиция бор экан" деди. Унинг бу гапидан шубҳаланган Шерали мол ўғирланганлигини фаҳмлади.

— Машинамга ўғирланган молни ортдингларми? Тушинглар, — деб тихирлик қила бошлади.

Болабек гап шу ерда қолишини, бундан ҳеч кимнинг хабари йўқлигини, хизмат ҳақига яна пул қўшишини айтгач, Шерали рози бўлди. Молни Алишерга 400 минг сўмга сотиб қайтишди.

Кўза кундамас, кунида синади, деганларидек, бу шовқинларнинг сири фош бўлди. Суд ҳукми билан Болабек Хайруллаев ва Алишер Худойназаровлар 5 йилдан, Рамазон Худоёров, Шерзод Худойқулов ва Ўлмас Хўжаевлар 3 йилу 6 ойдан, Шерали Мамаюсупов эса 3 йил муддатга озодликдан махрум этилди.

Бундан ташқари, жиноят қуроли сифатида фойдаланилган Ўлмас Хўжаев ҳамда Шерали Мамаюсупов бошқарувидаги "Дамас" русумли автоуловлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ҳалол меҳнатдан қочиб, турли жиноятлар содир этиш эвазига кун кўриш анчанарли ҳол, албатта. Яқинда жиноят ишлари бўйича Миробод туман судида уч нафар шахснинг жиноий қилмиши кўриб чиқилди. Жорий йилнинг июнь ойида Шайхонтоҳур тумани Шофайз мавзесида жойлашган автобуслар бекати олдида Зулфия Абдураҳмонова (барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) зар қоғозга қалоқланган 0,6 грамм «героин» моддасини Асрор Мўминовга сотаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бекатдаги савдо

Гиёҳвандлик моддасининг олди-сотдисида иштирок этган Зулфия Абдураҳмонова ҳамда унинг онаси Зайнаб Абдураҳмоновалар муқаддам судланмаган. "Истеъмолчи"га айланган Асрор муқаддам судланган бўлиб, у туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг гиёҳвандлик жиноятини содир этганлар рўйхатига олинган эди.

Зулфия судгача бўлган тергов жараёнларида мазкур жиноятни онаси Зайнаб Абдураҳмонова туфайли содир этганлигини, "героин" моддасини сотиб олган Асрор Мўминов билан илгари таниш бўлмаганлигини айтди. У ноқонуний даромад топишнинг бундай йўлини онаси ўргатганлигини, ўзининг ишсизлиги ва гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан кун кўрмоқчи бўлганлигини ҳам айтиб ўтди. Инсоннинг ҳалол меҳнат билан умргузаронлик қилганига нима етсин. Аммо

Моҳира ШУКУРУЛЛАЕВА,
Миробод туман прокурори ёрдамчиси
Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Ҳуқуқ»

Зайнаб Абдураҳмонова ўз фарзанди Зулфияни тўғри тарбиялаш ўрнига жиноят кўчасига етаклаб, ўзига издош қилганини кечириб бўлмайди. Қолаверса, вояга етган қизлар тарбиясида оналарнинг ўрни беқиёслигини ҳам инкор этолмаймиз.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслиги муқаррар. Судда судланувчилар ўзларига қўйилган айбга тўлиқ иқрор бўлишди. Одил суд ўз ҳукмини эълон қилди. Қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик моддаларини олиш, сақлаш ва ташиш каби жиноятларни содир этган Асрор Мўминов, Зулфия ҳамда Зайнаб Абдураҳмоновалар қилмишларига яраша жазосини олишди.

Ватан ичра Ватан бу

/Давоми. Бошланиши 3-бетда/

— Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб аталиши муносабати билан оилага эътибор янада кучайди. Сизнингча, оила мустаҳкам бўлиши учун нималарга эътибор қаратиш керак?

— Шахсан мен юртимизда жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб аталганини жамиятнинг маънавий негизларини мустаҳкамлашга қаратилган улкан қадам деб биламан. Чунки оила инсонга берилган энг буюк неъматлардандир. Жамият миллионлаб оилалардан ташкил топади. Масаланинг яна бир нозик жиҳати бор. Халқимиз Ватан сўзини оилага нисбатан ҳам ишлатади. Таъбир жоиз бўлса, оила Ватан ичра Ватандир. Оила қурмаган ёки оиласидан ажралган кимсаларни беватан ҳам дейишади. Оилада табиатнинг энг буюк мўъжизаси — инсон дунёга келишидир. Биз нима учун эртадан кечгача меҳнат қиламиз, елиб-югурамиз — фарзандларимиз учун. Улар биздан ҳам яхши инсонлар бўлиб улғайишлари, келажаги порлоқ бўлиши учун интилиб яшаймиз.

Юртбошимиз йилга ном берар экан, мамлакатимизда мана шундай ҳаммага ҳар жиҳатдан ибрат бўла оладиган оилалар кўпайишини ният қилган бўлса ажаб эмас. Саволингизга шунчаки, йўл-йўлакай жавоб бериб бўлмайди. Менимча, оила мустаҳкам бўлиши учун фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлиши, улар оила қураётганда зиммасига оладиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, жамиятдаги инсоний муносабатларга оид ёзилмаган қонунларни яхши билишлари керак. Яъни инсон оила қурар экан, нафақат давлат билан, ўзининг қариндош-уруғларидан ташқари турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, бошқа қариндошлари билан ҳам ўзига хос инсоний муносабатлар силсиласини юзага келтириши керак. Турмуш эса доимо бир текис кечавермайди. Унинг ўзига хос баланд-пастликлари бўлади. Мана шундай ҳолатларда ўртача йўлни тута олган, маънавий қиёфасини йўқотмаган одамнинг оиласи мустаҳкам бўлади.

— Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу имкониятлардан туман ёшлари қандай фойдаланишмоқда?

— Бугунги кунда туманимиз аҳолиси 136 минг нафар бўлса, шундан 29300 нафари вояга етмаганлардир. Улар 71 та умумтаълим мактабида, 6 та касб-ҳунар коллежларида билим олишмоқда. Бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун таълим муассасалари ҳамда маҳаллалардаги 86 та спорт зали ва майдончаси улар ихтиёрига бериб қўйилган. Чунки болаларни жисмонан соғлом қилиб вояга етказишнинг энг синалган усули уларни спортга жалб қилишдир. Маънавият масаласи ҳам жуда муҳим, албатта. Менимча, бола маънавиятини бойитишнинг энг тўғри йўли уни китобга ошно қилиш ҳисобланади. Бунда фидойи ўқитувчиларнинг, жонкуяр устозларнинг ўрни беқиёс. Таълим даргоҳларида болалар билан ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот тадбирларида болаларга шуни тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир таълим муассасасининг ўз кутубхонаси бор. Аммо бу етарли эмас. Ҳар бир туманда марказлашган болалар кутубхонаси, китоб дўконларини ташкил этиш вақти келди. Ўзини шу халқ тақдирига дахлдор деб билган юртдошларимиз бу ишга бош қўшсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Нуриддин ОҚНАЗАРОВ суҳбатлашди

«Илгир»нинг интиқоми



Воҳид ЭРАЛИЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Дардга чалинган одам шифокорларга мурожаат қилади, шифокорни ҳам танлаб, ўзи кўпроқ ишонганига соғлиғини топширади. Бу хонадонга ҳам турли хил дард билан келиб-кетувчиларнинг оёғи узилмасди. "Нафаси ўткир" мулла дам солиб, қироат қилгач, анча енгил тортиб қолгани ҳақида тўлиб-тошиб гапирадиганлар сони кам эмас. Ана шундай шифоталаблар бир ой давомида хонадон дарвозасидаги қулфнинг олинишини кутиб кунда-кунора бу ерга қатнашни канда қилишмади. Бало-қазоларни даф қилувчилари аллақачон бу дунёни тарк этгани, унинг икки нафар фарзанди бу дунёга тўймаган кўзларидаги армон билан ўлиб ётгани уларнинг хаёлларига келмаган эди. Бир оиланинг жонига зомин бўлган ваҳший эса бу пайтда очиқда юрар, ҳар кунини маишатда ўтказиш ғамини ерди. Одамлар наздидаги ўзининг художўйлик обрўсига путур етмаслиги, қўли енгил "илгир" деган номига доғ тушмаслиги учун панароқ жойларда пайдар-пай ароқ симирди.

Ҳаммага ўзини "Ҳасан" деб таништирувчи Дору Бобоев уни таниганлар орасида "Душанбедан келган табиби ҳозиқ" деган унвони билан машҳур бўлган. Қаерга борсин, бу обрўси ўзидан олдин керакли жойларга етказиб келинарди. Томоқда қолган овқат қолдиқларини олишнинг пири бўлган бу "илгир", лақмароқ одамларнинг оғзидан турли хил "Жоду" ларни ҳам бартараф этишдан ҳазар қилмас, бу хизматлари учун қора қўчқорларни оёғи тагига сўйишга тайёрлар йўқ эмасди. У судда ҳам бу "илми"га алоҳида тўхталиб ўтади:

— Бизнинг авлодда катта илгирлар ўтган, — дейди у алоҳида ғурур билан. — Мен бу илмни амакимдан олганман.

Ҳолбуки, 1983 йилга қадар бу кимса суяги қотар-қотмас пахта тозалаш заводида "договорщик", яъни мавсумий ишчи бўлиб ишлаш учун Душанбе шаҳридан Ўзбекистонга қатнаб турарди. Дўстлик туманидаги корхонада пул ишласа бўлишига амин бўлгач, муқим яшаш учун шу корхонанинг ётоқхонасига кўчиб келади ва шу ерлик аёлга уйланади. Уч нафар болали бўлгач, турмушнинг араваси оғирлашгани сайин Дорунинг елкаси тиришаверади. У оиласини ташлаб, шу ерлик бошқа бир рус аёлга уйланиб олади. Бироқ бу аёл билан ҳам узоқ яшай олмайди. Бир жойда яшовчи икки аёлнинг талаб-истаклари унинг чўнтагини қоқлаб қўйиши мумкинлиги Доруга оғир ботарди. Зеро, уни фарзандларининг келажаги эмас, пул дарди кўпроқ ташвишлантирарди. Шу сабабли у бу машмашалардан йироқ бўлиш учун Сирдаё туманига "қочган".

Новвойлик қилиб, тандирхонада ётиб юриш Доруга асло тўғри келмасди. Қолаверса, новвойликнинг тушуми уни қониқтирмасди. Тандирнинг иссиғидан жони ўртанган Дору тўсатдан ўзида ноёб хислат борлигини "кашф" этади. Ўша кезлари турли хил "илгир", "экстросенс", кўрпа-тўшак, ернинг еттинчи қаватидан дуоибад ва жоду топувчиларнинг куни туққан кезлар эди. Бир амаллаб "илгир"га айланган Доруннинг паразитларча ҳаёт тарзи шу тариқа бошланган.

Душанбе шаҳридан кўчиб келиб, шу ерда яшаб қолган Рустам Ибрагимов дарди қорнини тўқлаб, маишат қилишдан бошқа нарса бўлмаган ҳамшаҳрини одам қаторига қўшишни ният қилгани ҳақиқат. Бироқ етовдаги ит овга ярамаганидек, Дору валинеъматининг фаровон ҳаётига зимдан кўз олайтириб келган. "Берсанг ейман, урсанг ўламан" қабилида ўзга уйда ястаниб ётадиган текинтомоқ мулла Рустамнинг шарофати билан шу ерлик уч фарзандли, топармон-тутармон аёлга никоҳланиб қўйилган. У бу аёлнинг ҳам қадрига етмаган. Тинчгина яшаётган оилада Дору кириб келгач, тотувлик, баракага зарар етган шекилли, бу уйдан ковуши тўғрилаб қўйилган.

— Бу хотиним менга, "Сен болаларини илгирликка олиб келган аёллар билан юрасан" деб мен билан ажрашди, — дейди у судда кўргазма берар экан. — Шундан сўнг мулла Рустамникида, дуч келган бошқа жойларда яшаб юрдим. Таниш-билишларни ўртага қўйиб, иккинчи хотиним билан яшадим. Шу кезлари асли тожикистонлик бўлган танишим "Расул" менга бир сирни ошкор қилди...

Бу "сир"ни ошкор қилар экан, Дору ўзининг қабиҳ жиноятини "оқлаш" мақсадида учинчи турмуш ўртоғига туҳмат қилишдан жирканмади.

2011 йилнинг 28 ноябрь куни навбатдаги "оилавий машмаша"лардан безор бўлиб, Дўстлик туманидан Сирдарё шаҳрига — Рустам Иброҳимовнинг уйига кириб келган Дору совуқ қарши олинади. Бу уйда текин еб-ичишга ўрганиб қолган Дору эртаси куни ҳам иззатини билиб чиқиб кетишни хаёлига келтирмайди. Аксинча, ялпайиб ётганча турли хил майда-чуйда гаплар билан хонадон соҳибаларининг асабига тегиб ўтираверади.

— Дору билан мулла Рустам ўртасида гап қочиб қолди, — дейди гувоҳлардан бири. — Дору мулла Рустамга, "Бояги мижозга мен илгирлик қилган эдим. Сен эса фақат дам солиб "ўқидинг". У берган 150 минг сўмдан менга ҳеч нарса тегмади қабилида гап қилди...

Одамгарчиликдан чиқиб бўлган Дору бамайлихотир дастурхондаги емишлардан тотиниб ўтираверарди. Бироқ унинг ичида анчадан буён пайт пойлаб ётган илон бош кўтарганди.

Ярим тунга яқин болта билан қуролланган Дору ўзини едириб-ичирган, одам қаторига қўшишга ҳаракат қилган инсоннинг тепасига келади. У болта билан Рустам Иброҳимовнинг бошига уради. Мулла Рустамнинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, вояга етмаган Оятулло ухлаб ётган хонага киради. Дору ухлаб ётган ёш йигитчани ҳам аяб ўтирмаган. Унинг бошига неча марта зарба берганини эслай олмади. Ўлиб ётган Оятулланинг устига кўрпа ёпганини эса аниқ-тиниқ эслаб қолган. Боланинг шовқинидан уйғониб кетган Раҳматулло ўрнидан туриб, хона эшиги олдига келганда эшик очилиб, Доруннинг хотиржам қиёфаси намоён бўлган. "Нима қиляпсиз?" — деган саволга у совуққина қилиб, "Ҳеч нарса!" деб жавоб беради ва болта билан Раҳматуллонинг бошига уради. Зарба таъсирида йиқилган Раҳматулло деворга суяниб қолади. Ваҳший қотил унга ҳам шафқат қилмади. Унинг қўлидаги болта яна бир неча бор ҳавога кўтарилди. Сўнгра ёстиқ билан қурбоннинг бошини ёпиб, ёстиқ устидан яна уч марта зарба берди.

Хонадонни титкилаб бойлик қидирган Доруннинг қилмишини ўлимтикҳўр қузғун ҳам қилмайди. Қотиллик қуроли бўлмиш болта ва қон сачраган "газовий ключ"ни ҳожатхонага ташлаб юборган Дору шу тариқа содир этган жиноятининг изини йўқотган бўлади. Сўнгра Рустам Иброҳимов ўлиб ётган хонага кириб, пул қидираги ва 1 млн. 400 минг сўм пул ва битта тилла узукни топиб олади. Ошхонага ўтган Дору челакдаги асалга кўзи тушади. У 3 литрлик шиша идишга шу асалдан тўлдириб олади. Ярим тундан ўтган паллада жиноят жойидан қочишга тушган Дору уйнинг эшигини, сўнгра дарвозани осма қулф билан беркитиб, калитларни эса қайсидир яна бир табиб яшайдиган уй олдидаги бетонга ташлаб юборади.

Дўстлик туманидаги иккинчи хотинникида яшаб юрган Дору ваҳшийлигидан ҳеч ким хабар топмаслигига қаттиқ ишонган. Шундан телефон орқали Рустам Иброҳимовнинг қардошларини сўраган танишларини "Мулла Рустам ўлим тўшагида ётган акасини кўриб келиш учун Душанбе шаҳрига кетди. Болаларини фалон одамнинг қарамоғида қолдирган", деб алдайверади.

Ваҳшийлик содир этилганига бир ойга яқин муддат ўтса-да, марҳумлар ҳақида ҳеч ким хабар топмаган. Бу эса Дору Бобоевни тинч қўймасди. Унинг оёқлари тинимсиз равишда қотиллик қилган хонадонга бошлайверарди. Рустам Иброҳимовнинг руҳи ва бегуноҳ фарзандларининг қони уни таъқиб қилаётганга ўхшарди. У Қозоғистон Республикасига ҳам қочиб кўрди, лекин оёқлари унинг ихтиёрига бўйсунмади. Сирдарё шаҳрига келиб, танишларига, "Мулла Рустамнинг уйидан ўғри чиқиб кетаётганини кўрдим. Эшигини бузиб, ичкаридан хабар олсаммикан" каби таклифларни киритади. Унинг бежо қилиқлари атрофдагиларда шубҳа уйғотади. Бу орада Душанбе шаҳрида яшовчи Р.Иброҳимовнинг акасидан хабар келади. Маълум бўлишича, унинг акаси соппа-соғ экан.

Жиззах вилоятидаги туманларнинг бирида яшайдиган танишиникида биқиниб ётган Дору Бобоев Сирдарё туман ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинади. Дастлабки терговдаёқ ваҳший қотил содир этган жиноятини тан олди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди Дору Бобоевни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а", "в", "и" бандлари, 164-моддаси 3-қисми "г" бандида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Ваҳший қотил Дору Бобоевга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. У жазони махсус тартибли колонияларда ўтайди.

Фирибгар адвокатлар

Одатда, қайсидир ҳолатларда жабр кўрган инсон қонуний йўл-йўриқ олиш, муаммосининг адолатли ечим топиши истагида адвокатга мурожаат қилади. Бироқ, адвокат фирибгар бўлса-чи... Табиийки, "йўт-е" дейсиз. Афсуски, шунақаси ҳам учраб турар экан. Андижон шаҳар "Ҳуқуқ муҳофазаси" адвокатлик бюросида адвокат лавозимида ишлаб келган Бахтиёр Тиллабоевнинг ҳудди ана шундай фирибгар адвокатлардан эканлиги маълум бўлди. Аввало, касбининг аталишиёқ атрофдагиларнинг ишончи учун етарли эканлигини у жуда яхши англаб етарди. Бахтиёр эса бундай ишонч ортидан мўмай пул топишни мақсад қилди.

Ғ.МУҲАММАДИЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
С.РЕЖАББОЕВ,
вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси

2009 йилда Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани тиббиёт коллежига қабул қилинган 7 нафар ўсмирнинг 2011 йилнинг февраль ойида талабалар сафидан чиқарилганлигидан хабар топган адвокат Бахтиёр Тиллабоев тезда ўз касбининг номи билан иш бошлаб, гўё уларга қонуний ёрдам бермоқчилигини билдиради. У Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касбҳунар таълими вазирлиги орқали собиқ талабаларнинг ўқишга тикланишига ёрдам бера олишини коллеж ўқитувчиси Б.Арзибоева орқали талабаларнинг ота-оналарига етказади. Хизмат ҳақини эса 1000 АҚШ доллари миқдорида деб айтади.

Кун келиб, ўз фирибининг қармоғига ўзи тушишини кутмаган адвокат Б.Тиллабоевнинг фаолияти тезда ниҳоясига етди. Чунки фирибгар адвокатнинг ваъдаларидан шубҳаланган ота-оналардан бири фуқаро З.Қодирова 2011 йилнинг 3 ноябрь кунида МХХ Андижон вилоят бошқармаси Хўжаобод тумани бўлинмасига мурожаат қилади. Ушбу мурожаат асосида СВОЖЖДЛКҚ Департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда "Ҳуқуқ муҳофазаси" адвокатлик бюросининг адвокати Б.Тиллабоев хизмат хонасида Хўжаобод тумани тиббиёт коллежи ўқитувчиси Б.Арзибоева (фаолиятининг охири аянчли бўлиши мумкинлигини яхши билган бу адвокат коллеж ўқитувчиси Б.Арзибоевани ҳам қилмишига шерик қилади) орқали фуқаро З.Қодировадан кимёвий ишлов берилган 700 АҚШ долларини олаётган вақтда ушланди.

Афсуски, бу ҳолатни биргина Б.Тиллабоев фаолиятида эмас, балки Андижон шаҳридаги "FEMIDA PREMIUM" адвокатлик бюросининг адвокати Азизбек Рўзиматовнинг "иш фаолияти"да ҳам кўришимиз мумкин.

Адвокат А.Рўзиматов Андижон шаҳридаги "Ёшлар спорт саройи" ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Б.Исматуллаевдан жиноят ишлари бўйича Асака туман судида кўрилаётган спорт мактабининг мансабдор шахсларини айблаш ҳақидаги жиноят ишининг унга нисбатан қисмини суд раиси орқали гаплашиб, амнистия актига асосан тугатиш ҳамда спорт мактаби бош ҳисобчиларига эса енгилроқ жазо тайинлатиб беришини айтади. Бироқ, бу иш ўзича ҳал бўлмаслигини, жиноят ишини мазмунан кўриб чиқаётган суд раисига пора тариқасида олдиндан 800 АҚШ доллари бериши лозимлигини айтиб, пора талаб қилади. Судланувчилар бўлмиш спорт мактабининг бош ҳисобчилари С.Азимов ҳамда И.Каримовлардан ҳам 500 АҚШ долларидан пора талаб қилади.



Бу адвокатнинг ҳам мўмай даромад илинжида бошлаган фаолияти Б.Исматуллаевнинг аризасига асосан жорий йилнинг январь ойида ўз якунига етди.

Ҳар иккала адвокат ҳам юқоридаги хатти-ҳаракатлари, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкини ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Албатта, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. "FEMIDA PREMIUM" адвокатлик бюросининг адвокати А.Рўзиматовга ЖИБ Андижон туман судининг ҳукми билан 2 йил муддатга адвокатлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жарима тўлаш жазоси қўлланилди.

"Ҳуқуқ муҳофазаси" адвокатлик бюроси адвокати Б.Тиллабоевга нисбатан эса ЖКнинг тегишли моддалари билан айблов эълон қилиниб, ЖИБ Андижон шаҳар судининг ажрими билан амнистия қўлланилди.

Хориждан жўнатилган контейнер сири



Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди И.Собиров ва унинг жиноий шерикларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишини муфассал кўриб чиқиб, ўз ҳукмини ўқиди. Беш нафар судланувчиларга турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Жаҳонгир ПЎЛАТОВ,
Фарғона вилоят прокурори ёрдамчиси
Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq»

Маълумки, юртимизда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Улардан фақат қонунларга риоя қилиб иш юритиш, расмий рўйхатдан ўтиб иш бошлагач, солиқ ва бошқа тўловларни белгиланган муддатларда узлуксиз тўлаб бориш талаб қилинади, холос. "Ишонч телефонлари" орқали олинган мурожаатларнинг тезкорлик билан қонуний ҳал этилиши, тадбиркорларнинг фаолиятларига ғайриқонуний аралашувларга нисбатан кўрилган қатъий чоралар ўз самарасини бермоқда. Назорат органлари томонидан текширишларнинг тартибга солиниши, солиқ идораларига уч ойда бир маротаба ҳисобот топширишнинг йўлга қўйилиши, ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этиш каби қулайликлар тадбиркорлар бевосита иш фаолиятларига кўпроқ вақт ажратишлари ва самаралироқ ишлашлари учун жуда қўл келмоқда. Тадбиркорларнинг аксарияти қонунларга амал қилиб, фаолият юритишяпти, иқтисодиётда нуфузли мавқеларни эгаллашга интилишяпти. Импорт ўрнини босувчи, хорижникидан қолишмайдиган сифатли маҳсулотлар билан ички бозоримизни тўлдиришяпти. Хорижга экспорт тури ва ҳажмини кўпайтириш йўлида изланишяпти.

Ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни кўзлаб кўрилган қатор чора-тадбирлар, хусусан, хорижий истеъмол молларига белгиланган муайян фоиздаги бож тўловлари, ишлаб чиқариш воситаларини келтириб ўрнатиш борасида ҳавола этилган имтиёзлар кўзланган натижани беряпти. Катта-кичик корхона, қўшма корхоналарда импорт ўрнини босадиган турли-туман товарларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда.

Айни чоғда улгуржи савдо билан шуғулланиш ваколатига эга тадбиркорлар хориждан харидоргир истеъмол молларини келтириб, бозорларга чиқаришлари учун монелик қиладиган ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Улар белгиланган бож тўловларини амалга оширсалар бас, бож кўригидан ўтган, сифат талабларига жавоб берувчи маҳсулотларини бемалол савдога чиқаришлари, фойда кўришлари мумкин. Ана шу қонун талабларига риоя қилиб ишлаётганлар хориждан турли товарлар келтириб, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришмоқда.

Бироқ, қонунга итоаткорлар билан бир қаторда, бож тўловларидан бош тортиш эвазига "устама фойда" кўришга бел боғлаган шоввозлар ҳам йўқ эмас. Судланувчи Ислом Собиров ана шундай учрлардан бўлиб чиқди. Ҳақли савол туғилади. Эллик тўрт ёшни қоралаган, ҳаётнинг паст-баландди, аччиқ-чучугини тотиб кўрган, турмуш тажрибаси етарли, бой-бадавлат ишбилармонни жиноятга қўл уришга нима мажбур қилди?

Унинг отаси савдо-сотиқ билан шуғулланиб, йириккина дастмоя жамғаради. Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрига борганида, Турғунбой исмли савдогар билан танишиб қолади. У отахонга ҳар хил молларни жўнатиб туришни таклиф қилади. Отахон унинг таклифига кўнади. Шу тариқа ишончли савдо алоқалари ўрнатилади. Отахон сўнгги бор шеригига ишониб бериб қўйган пулига товар олишга улгурмайди. Соғлиғи ёмонлашиб, бевақт оламдан кўз юмади. Шу тариқа унинг савдо-сотиқ ишлари ора йўлда қолади. Ўғли Исломжон хорижлик савдогарнинг қўлида қолиб кетган маблағни ундириш пайига тушади. Орадан ярим йилча ўтиб, Турғунбойни излаб топади. У отахон бериб кетган пул эвазига товар жўнатишни ўз зиммасига олади. Қирғизистонлик ишончли шериги Асқар билан таништириб қўяди.

Ислом Собиров Қўқон шаҳрида "Илҳом" хусусий фирмасини ташкил қилади. Улгуржи савдо билан шуғулланиш, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритади. Урумчи шаҳридаги шериги Турғунбой билан шартнома тузади. Унга кўра, хорижлик савдогар Асқар орқали божхонагача контейнерларга жойланган товарларни вагонларда етказиб бериб туриши, И.Собиров уларни қабул қилиб олгач, божхонада расмийлаштириб, чегарадан Ўзбекистонга олиб ўтиши, Қўқон шаҳрига келтириб, улгуржи пуллаши лозим эди. Бироқ Исломжон бож ҳақи тўламоқчи эмас эди. Шу боис таниши, аслида бирон жойда ишламайдиган, аммо ўзича савдогарларнинг "пушти паноҳи" бўлиб олган Равшандан қўллаб юборишни илтимос қилади. Р.Фазилходжаев 1 млн. 100 минг сўм "хизмат ҳақини" олгач, "сира хавотир бўлманг, юкни хотиржам қабул қилиб олаверасиз", деб ваъда беради.

Турғунбой қирғизистонлик Асқардан бериб юборган контрактга Ислом Собиров "Илҳом" хусусий фирмасининг муҳрини босиб, имзо чекади. Қўл телефондаги ўзаро сухбатда улар йўл-юк ҳужжатларига арзон-гаров товарларни ёзиб қўйиб, аслида контейнерларга бозори чаққон маҳсулотларни жойлаб жўнатиб туриш, қабул қилиб олиш хусусида келишиб олишади. И.Собиров факс орқали Турғунбойга харидоргир товарларнинг рўйхатини ташлаб беради. Турғунбой рўйхатдаги буюмларни контейнерларга жойлаб, вагонларга юклайди. 2011 йил 20 август куни И.Собировнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, келишилганидек, йўл-юк ҳужжатлари, инвойсда кўрсатилганидан бошқа маҳсулотларни жўнатаётганини айтади. 4 ноябрь куни Ислом "Илҳом" фирмасининг норасмий экспедитори Хуршид Мирзаев билан Тошкент вилоятидаги "Чуқурсой" божхона постига йўл олар экан, "пушти паноҳи" Р.Фазилходжаевга телефон қилиб, ишкал чиқармай, божхона ҳужжатларини ими-жимида расмийлаштириб, контейнерларни Қўқонга омон-эсон етказиб келтириш учун қўллаб юборишни сўрайди.

Бироқ, иш чаппасига айланади. 6 ноябрь куни божхона кузатуви остида иккита контейнердаги юклар Қўқон божхона постига келтирилади. И.Собировнинг божхона пости бошлиғи номига ёзган мурожаат хатига биноан, Қўқон шаҳридаги "Рико-Транс" МЧЖнинг омбори ҳудудида сақланаётган контейнерлар холислар иштирокида очилиб, ичидаги юклар кўздан кечирилади. Инвойс, йўл-юк ҳужжатларида кўрсатилган резина тагчарм, пайвандлаш электроди, глиназем (ўтга чидамли лойтупроқ), велосипед эҳтиёт қисмлари каби моллардан асар ҳам йўқ, уларнинг ўрнида 69 номдаги мебел, пойафзал, автомобил эҳтиёт қисмлари, турли хўжалик моллари зичлаб жойлаштирилган эди. Шу тариқа оғирлиги 27,2 тоннадан зиёд хорижда ишлаб чиқарилган товарлар божхона назоратидан яширинча олиб ўтилгани фош қилинади. Ушбу товарлар учун судланувчилар И.Собиров ва Х.Мирзаевлар 2 млрд. 276 млн. сўм миқдорида бож ҳақи тўлашдан бўйин товлашгани аниқланади.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, "Илҳом" хусусий корхонасида ҳужжатли тафтиш ўтказилди. Корхона омборларида салкам 670 млн. сўмлик товарлар қолдиғи бўлиши лозим эди. Бироқ ушбу товарлар нақд пулга сотиб юборилиб, савдо пуллари назорат-касса машинасидан ўтказилмаган, банкка топширилмаган. Шу тариқа божхона конунчилигидан ташқари савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари ҳам жуда кўп миқдорда бузилган.

И.Собиров норасмий экспедитор Х.Мирзаев билан дангал иш юритганининг сабаблари бирин-кетин очилди. "Илҳом" хусусий корхонасининг Р.Фазилходжаевдан ташқари яна бошқа "соябонлари" ҳам бор экан. Суд мажлисида корхона экспедитори Х.Мирзаев ИИБ ходимлари, Қўқон аэропорти ТМПнинг бошлиғи, судланувчи Э.Зокиров, Қўқон темир йўл ТИИБ ЖҚ бўлинмасининг тезкор вакили, судланувчи Қ.Джалилов билан "ҳамкорлик"да иш қилганларини таъкидлади. Уларнинг "ҳамкорлиги" 2011 йилнинг май ойида бошланади. Х.Мирзаев ХХРдан келтирилган импорт товарларни "Рико-Транс" МЧЖга қарашли божхона омборига туширади. Ўша пайтда ҳозир-у нозир бўлган Э.Зокиров билан Қ.Джалилов экспедиторни қисти-бастига олишади. Юкларни текшириб, айб топиш билан қўрқитиб, Х.Мирзаевдан ҳар бир контейнер учун 50 АҚШ долларидан, ҳар бир вагон учун 100 АҚШ долларидан "чўтал" беришни талаб қилишади. Экспедитор тармоқ ИИБ ходимларига 800 доллар пора бериб, шу тариқа орттирган "соябонлари" остида бемалол ишлайверади.

Дастлабки терговда аниқланиб, суд мажлисида тасдиқланганидек, бу "соябонлар"нинг биринчи "иши" эмас. Улар тамагирлик билан савдогарларни "соғиб ичишни" 2009 йилда бошлашган. Чунончи, Қўқон шаҳрида фаолият юритувчи "Глобал инвест", "Монолит Элегант сервис", "Авто бизнес тайфун", "Самарали қурилиш Инвест Файз", "Водий Нурафшон Бизнес" масъулияти чекланган жамиятларини ўз қанотлари остига олишган. Уларга "ҳомийлик"лари эвазига мунтазам равишда 100, 200, 400, 1000, 1300 АҚШ доллари миқдорида "улуш" олиб туришган.

— 2010 йил 27 декабрь куни "Темирйўлчилар кафеси" ёнида Э.Зокиров билан кўришдим, — дейди гувоҳ, "Самарали қурилиш Инвест Файз" МЧЖнинг иш юритувчиси Р.Ачилдиев. — У импорт товарлардан "улуш" бериб туришни талаб қилди. Акс ҳолда айб топиб, қаматиб юбораман, деди. Ўша куни унга 100 доллар бердим. 2011 йил 1 январь куни яна мени телефонда чақирди. 600 доллар талаб қилиб олди. 10 март куни соат кундузги ўн-ўн бирларда телефонда вокзалга етиб келишимни буюрди. Вокзал биноси ичида мендан 200 доллар олди. 27 март куни эса такси парк ёнига чақиртириб, "Наврўз" байрамига, дея 400 доллар сўраб олди. Агар иш юзасидан бошқа шаҳарга кетиб қолсам, ҳамкасбим Джалилов сиз билан боғланади, дея тайинлади. Шундан сўнг бир неча марта Қ.Джалиловга 200 доллардан жами 600 доллар бердим. У агар импорт қилинган товарларга "улуш" бериб турмасам, контейнерлар, вагонлардаги нарсалар талонторож қилиниши билан қўрқитиб қўйган эди. Шу боис, ҳар гал оғзидан чиққанини бериб туришга мажбур бўлдим...

Суд мажлисида судланувчилар — "Илҳом" хусусий корхонасининг директори И.Собиров, норасмий экспедиторлари Х.Мирзаев, Р.Фазилходжаевларнинг хориждан келтирилган товарларга жуда кўп миқдорда бож тўлови тўлашдан қасддан бўйин товлаш, жуда кўп миқдорда нақд пулларни касса аппаратидан ўтказмай, банк ғазнасига топширмай айлантириш, солиқ тўловларини камайтириб кўрсатиш, судланувчилар Э.Зокиров, Қ.Джалиловларнинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда савдогарлардан товламачилик билан жуда кўп миқдорда пора талаб қилиб олишдан иборат жиноий қилмишлари ўзларининг иқрор бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам исботланди. Қонунларни четлаб, жуда кўп миқдорда фойда орттирмоқчи бўлган "ишбилармон"лар ва уларни "ўлжа"га айлантириб олган собиқ ИИБ ходимлари тавба-тазарру қилиб, ҳақ йўлга ўтишлари учун тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Кичик бизнесга катта эътибор

Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромалларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан хусусий секторни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил кўпаймоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнеснинг янада тараққий эттириш, айниқса, банкмолия тизими зиммасига юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Шундан келиб чиқиб, молия бозорида етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаётган "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини оширишга мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми 682,4 млрд. сўмни ташкил этгани, шундан 275,7 млрд. сўми инвестициявий кредитлар эканлиги бунинг яққол тасдиғидир. Эътиборлиси, иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган сармояларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аниқроғи, мазкур соҳага ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий, инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва бошқа мақсадлар учун берилган кредитларнинг умумий ҳажми 382,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,4 фоизга кўпдир.

Шу билан бирга, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 130 фоизга ошди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда имкониятлар эшигини кенгроқ очиб берди. Мазкур қарор ижроси юзасидан ажратилган кредитлар ҳажми 86,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,4 фоизга ўсишга эришилди. Пировардида кўплаб янги иш жойлари очилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқда яшовчиларнинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига биноан 74,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди. Бу сармоялар рақобатбардош ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилгани билан диққатга сазовордир.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш, даромадини кўпайтиришда чорвачилик муҳим ўрин тутади. Шунинг учун юртимизда мазкур тармоқни ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг сакқиз ойида шу мақсадга банк томонидан ўтган йилдагига нисбатан 121,8 фоиз кўп маблағ йўналтирилди. Табиийки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Иқтисодиётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқарган ҳолда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 65 млрд. сўмдан ортиқ, тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 29 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, банкнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар салмоғи ўтган йилдагига нисбатан 168,2 фоизга ошди.

Ушбу кредитлар нафақат Тошкент шаҳри ёки вилоят марказларидаги, балки мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари кўп бўлган чекка ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини ҳам молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани билан эътиборга молик. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётир.

— Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош мебел жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда тадбиркорлик ҳаракати учун қулай муҳит яратиб берилгани, соҳага кўплаб имтиёзлар татбиқ қилинаётгани муҳим омил бўлди, — дейди "Fayzli xonadon mebeli" хусусий корхонаси раҳбари Ўткиржон Нишонов. — Хусусан, бизнес лойиҳаларимизни муваффақиятли амалга оширишда "Асака" банк молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Корхонамизда ҳам харидорларнинг истаклари асосида янги турдаги мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эътибор қаратилмоқда. Жорий йил бошида шундай лойиҳани амалга ошириш ниятида банк филиалига кредит олиш учун мурожаат қилгандик. Бу масала қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилгани айни муддао бўлди. Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада маҳаллий хомашё асосида қўшимча 12 турдаги сифатли, арзон ва замонавий мебел жиҳозлари ишлаб чиқарила бошланди. Энг асосийси, 10 та янги иш жойи яратилиб, шунча касб-ҳунар коллежи битирувчисининг бандлиги таъминланди. Молиявий ҳамкоримиз бўлган "Асака" банкнинг сифатли хизматларидан мамнунмиз. Ишонамизки, унинг молиявий кўмаги ишлаб чиқариш суръатини тобора ошириб, мебелсозлик саноати ривожига муносиб ҳисса қўшиш, аҳоли турмуш шароитларини юксалтиришдек эзгу ниятларимизнинг рўёби йўлида хизмат қилади, албатта.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини тижорат банкларининг молиявий кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди "Саноат реал имкон" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Салиев. — Хусусан, улар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани ички бозорни рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир.

Бунда Юртбошимиз раҳнамолигида банк тизимининг чуқур ислоҳ қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар кенг жорий этилаётгани қўл келмоқда. Хусусан, тизимни эркинлаштириш, молия муассасаларининг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар туфайли уларнинг иқтисодиётимиз равнақига қўшаётган ҳиссаси тобора юксалиб бораяпти.

Биз ҳам ана шундай имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятимизни кенгайтириб бораяпмиз. Андижон шаҳрида жойлашган "Саноат реал имкон" масъулияти чекланган жамиятимиз айни пайтда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. "Асака" банк бу борада яқин ҳамкоримиз. 2006 йилдан буён ана шу молия муассасаси кўмагидан фойдаланиб келаяпмиз. Ўтган йилларда "Асака" банк кредитлари асосида янги лойиҳаларни рўёбга чиқардик. Ажратилган сармоя эвазига янги турдаги пойабзал тикиш дастгоҳлари ва хомашё харид қилдик. Бинобарин, фаолиятимиз кенгайиши ҳисобига ҳамшаҳарларимиздан 8 нафари иш билан таъминланди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Асака" банк томонидан жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобидан 20 минг нафардан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Йил охирига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтириладиган кредитлар миқдори 500 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, 30 минг нафар янги иш ўринлари яратилади. Бу мазкур молия муассасасининг сармоялари мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини кўрсатади.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 44-ПР-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи қўйилмоқда:

Қувасой шаҳар ҳокимлиги балансидаги, Қувасой шаҳар Арсиф Қ.Ф.Й. Янгиобод кўчасида жойлашган, **бошланғич баҳоси — 68 154 266 сўм** бўлган собиқ "Суттовар" фермасига қарашли "Лаборатория ва қоровулхона" биноси ва иншоотлари қўйилмоқда. (фаолият тури сақланмаган ҳолда).

Танлов савдоси ғолибига 2 (икки) йил давомида энг ками 50 000 000 (эллик миллион) сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

Давлат активини балансда сақловчи: Қувасой шаҳар ҳокимлиги.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Бошқарув.

Танлов савдоси 2012 йил 30 октябрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00гача қабул қилинади.

Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 29 октябрь куни соат 18:00.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат актив бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг ИНН 302128329, МФО 00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат, ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови сумманинг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномасига асосан савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Танлов савдоси манзили: Фарғона ш. Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Фарғона шаҳри Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй. тел +99895 404 54 84. Лицензия RR 0094.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ "Аукцион" савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2012 йил 25 сентябрдаги 389-сонли хатига асосан:

Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг Қува тумани "Нон ишлаб чиқариш" МЧЖдаги компаниянинг 25,0 фоиз улуши аукцион савдосига қўйилмоқда.

Улушнинг бошланғич баҳоси — 27 243 974 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 30 октябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2012 йил 29 октябрь соат 18:00 гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2012 йил 30 октябрдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 14 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Ҳамда такрорий савдо учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 13 ноябрь куни соат 18:00 гача.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, улушнинг бошланғич баҳосини 10 фоизи миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида улушни номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реквизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси

2-қават, 21-хона. Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ

Лицензия: RR 0094

Табаррук ёш



Иккинчи жаҳон урушида ғалабага ўзининг ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Марк Гиршфельд табаррук 90 ёшни қарши олмоқда.

У Иккинчи жаҳон урушида Шимоли-ғарбий фронтида батальон курсанти, Туркистон 2-пулемёт-миномёт билим юртида курсант, взвод командири, рота командири, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий трибуналида комендант, суд котиби, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси ҳарбий терговчиси, катта ҳарбий терговчиси, тергов бўлими бошлиғи вазифаларида сидқидилдан хизмат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган.

Марк Товьевич меҳнатсеварлиги, теран билими, ёшлар ва шогирдларга бўлган ғамхўрлиги, одамлар билан муносабатда самимийлиги билан ҳамкасбларининг ҳурмат ва эътиборини қозонди.

Марк Товьевич Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган хизматлари учун жуда кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланган.

Унинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Марк Товьевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Жамоатчилик эътибори



Прокуратура фахрийси Имом Юсупов бугунги мунаввар кунлар шукронасида фарзандлар ва набиралар орасида табаррук 75 ёшни қарши олмоқда. У 38 йилга яқин умрини Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Имом Юсупович иш фаолиятини Самарқанд шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси, Самарқанд туман прокуратураси терговчиси, Жиззах туман прокурорининг ёрдамчиси, Қашқадарё вилояти Ғузор туман прокуратураси терговчиси, Косон туман суди раиси, Қашқадарё вилоят прокуратураси терговчиси, Самарқанд вилоят прокуратураси терговчиси, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратураси бўлим прокурори, катта терговчиси, бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, Пастдарғом туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, ташаббускорлиги, бурчга садоқатлилиги, фидойилиги билан маъмурий орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Имом Юсуповичнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Имом Юсупович, қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ихтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 сентябрдаги 101-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги тасарруфидаги Тошкент вилояти Зангиота тумани Бўз-сув ҚФЙда жойлашган, **бошланғич баҳоси 1 442 736 000 сўм** бўлган, "Ижтимоий-маиший ва маъмурий ишлаб чиқариш инфраструктура комплекси" бино ва иншоотлари (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Тошкент вилояти Зангиота туман ҳокимияти.

Баланса сақловчининг ихтисослиги: Маъмурий бошқарув.

Давлат активининг умумий ер майдони 149324,77 кв.м., бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 2359,4 кв.м.

Бино ва иншоотларда сув, газ ва электр тармоқлари мавжуд.

Давлат активини аукцион савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Аукцион савдоси 2012 йил 5 ноябрь куни соат 10:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 ноябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 5 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 12, 19 ва 26 ноябрь кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 12 ноябрдаги савдолар учун 9 ноябрь куни соат 18:00; 19 ноябрдаги савдолар учун 16 ноябрь куни соат 18:00; 26 ноябрдаги савдолар учун 23 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизи, яъни 216 410 400 сўмдан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишни таъминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1"А"-уй манзилидаги бинонинг 4-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1"А"-уй. Тел 228-79-52, 228-84-48.

Веб сайт www.1kms.uz.
Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz.
Лицензия: RR-0001.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 6-Па, 7-Па, 8-Па ҳамда 9-Па-сонли буйруқларига асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли бўлган қуйидаги давлат активлари қўйилмоқда:

1) Самарқанд шаҳар, Али Қушчи кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 0,03 га., бино эгаллаган ер майдони 131,56 кв.м. бўлган **Савдо комплекси. Бошланғич баҳоси — 114 429 000 сўм;**

2) Самарқанд шаҳар, Ўзбектракти кўчаси 33-уйда жойлашган, умумий ер майдони 0,21 га., бино ва иншоот эгаллаган ер майдони 229,7 кв.м. бўлган **Дала ҳовли бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 290 914 360 сўм;**

3) Самарқанд шаҳар, Ўзбектракти кўчаси 35-уйда жойлашган, умумий ер майдони 0,15 га., бино ва иншоот эгаллаган ер майдони 28,15 кв.м. бўлган Қурилиши тугалланмаган **Дала ҳовли бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 49 114 200 сўм;**

4) Самарқанд шаҳар, Ўзбектракти кўчаси 37-уйда жойлашган, умумий ер майдони 0,18 га., бино ва иншоот эгаллаган ер майдони 28,15 кв.м. бўлган **Қурилиши тугалланмаган Дала ҳовли бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 48 191 000 сўм.**

Давлат активини балансда сақловчи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси.

Баланса сақловчининг ихтисослиги: Илмий тадқиқотлар олиб бориш.

Аукцион савдоси 2012 йил 5 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 2 ноябрь куни соат 18:00да тўхтатилади.

Юқоридаги давлат активлари 2012 йил 5 ноябрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 13, 20, 27 ноябрь ҳамда 4, 11, 18 ва 25 декабрь кунлари соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 ноябрдаги савдо учун 2012 йил 12 ноябрь куни соат 18:00, 2012 йил 20 ноябрдаги савдо учун 2012 йил 19 ноябрь куни соат 18:00, 2012 йил 27 ноябрдаги савдо учун 2012 йил 26 ноябрь куни соат 18:00, 2012 йил 4 декабрдаги савдо учун 2012 йил 3 декабрь куни соат 18:00, 2012 йил 11 декабрдаги савдо учун 2012 йил 10 декабрь куни соат 18:00, 2012 йил 18 декабрдаги савдо учун 2012 йил 17 декабрь куни соат 18:00, 2012 йил 25 декабрдаги савдо учун 2012 йил 24 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000604920609025, МФО:00262, СТИР:207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 (йигирма) кун муддат ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишни таъминлайди.

Аукцион савдолари Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси 85"А"- уйнинг 5-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларининг ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85"А"-уй 2-қават, 210-хона. Тел.: (факс) (8366) 233-80-56. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали қуйидагиларни маълум қилади!

«Huquq» газетасининг 2012 йил 23 августдаги 34 (815)-сонида чоп этилган эълон билан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ходжибоев кўчаси, 70-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларнинг аукцион савдолари вақтинчалик тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

Аукцион савдодан тўхтатишга асос: Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 18 сентябрдаги 173к-ПО-сонли буйруғи.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 "а"-уй.
Тел (8-371) 233 23 49.
http://www.rkmb.uz

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти жамоаси Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи Қаҳрамон Қурбановга укаси

Шерифбой ҚУРБАНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq yuridik gazeta

Muassis: **O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir: ***Jahongir MAKSUMOV***

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV	Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV	*(Bosh muharrir o'rinbosari)*
Gulnoza RAHIMOVA	
Yusupboy G'OIPOV	Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA	*(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: **Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

Telefon: 233-98-40, 233-10-53

Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

[] — tijorat materiali.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma **j-5461. 45 977** nusxada bosildi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **G.HOJIBOYEVA**

Musahhih: **M.QAMBAROV**

Navbatchi: **O'.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi **231**

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617